O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 20-may № 60 (2785) payshanba

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Осиё тараққиёт банки ҳамда ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-йиллик мажлисининг барча иштирокчилари номидан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига мазкур анжуман юксак савияда ташкил этилгани муносабати билан самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳнамолигингизда мутасадди кишиларнинг улкан меҳнати туфайли ушбу Йиллик мажлис ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самарали ўтганларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Ташкилий қўмитаси томонидан юксак савияда ташкил этилган барча расмий тадбирлар, Ўзбекистон халқининг ғоят меҳмондўстлиги, гўзал мамлакатингизнинг бой тарихи ва замонавий инфратузилмани ривожлантирган ҳолда эришаётган улкан ютуқларингиз мажлис иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ушбу анжуманнинг муваффақияти ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарор нечоғли тўғри бўлганини ёрқин намойиш этди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларининг, айниқса, амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар самарадорлигининг, босқичма-босқич ислоҳотлар ва оқилона фискал сиёсатга асосланган ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар мустаҳкамлигининг, шунингдек, истиқболдаги тараққиёт учун мавжуд улкан салоҳиятнинг яққол ифодасидир.

Сизнинг анжуманнинг очилиш маросимидаги нутқингизда, айниқса, Ўзбекистон ва умуман бутун Осиёнинг инқироздан кейинги ривожланиши борасидаги стратегик ғояларингизда теран маъноли ва узоқни кўзлаган фикрлар ифода этилгани мажлиснинг барча иштирокчилари томонидан юксак баҳоланди. Жаноби Олийлари, ўз нутқингизда Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб берганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бу йўналишлар биз учун ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Йиллик мажлис ОТБ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштирди – анжуман кунлари умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд битимлар имзоланди, кредит портфелимизнинг ҳажми қарийб икки баробар ошди. Жаноби Олийлари, Сизни ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон ОТБнинг Марказий Осиёдаги доимий стратегик ҳамкори бўлиб қолади.

ОТБ минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда етакчи мамлакат бўлган Ўзбекистонни ҳар томонлама ва изчил қўллаб-қувватлашни бундан кейин ҳам давом эттиради.

Ғоят муҳим мазкур форумнинг муваффақиятли ўтгани муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига яна бир бор чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

**Харухико КУРОДА,**
**Осиё тараққиёт банки президенти**

### Республика семинар-кенгаши

## Баркамол авлод тарбияси

**Кеча болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг республика семинар кенгаши бўлиб ўтди.**



Баркамол авлод йилида фарзандларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни мароқли дам олдириш масаласига ўтган йилларга нисбатан масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг республика семинар-кенгашида Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Маънавият-тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ масъул ходимлари маърузалари билан қатнашди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисларининг ўринбосарлари, ушбу масалага алоқадор мутахассислар, КУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари, ижтимоий суғурта бўлимлари ходимлари, мамлакатимиздаги бир қатор базавий оромгоҳ бошлиқлари ҳам иштирок этишди.

ЎзКУФК раисининг ўринбосари, Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова семинар-кенгашни очар экан, ҳар йилгидек бу йил ҳам оромгоҳларда кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандларини, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчиларини кўпроқ дам олдиришга эътибор қаратиш, бунинг учун барча имкониятдан фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратди.

— Оромгоҳларга алоқа воситаларидан, электр қуввати, газ, сув, коммунал, автотранспорт хизматидан фойдаланиши учун 50 фоизлик имтиёз яратиш, Оролбўйи минтақасидан оромгоҳларда дам олдириладиган болалар учун автобус ва темирйўл харажатлари бепул этиб белгиланди. Ёз мавсумида барча оромгоҳлар турли тўловлардан озод этилади. Бу имтиёзлар фарзандларимизнинг мароқли дам олиши ҳамда оромгоҳга бериладиган йўлланма нархининг камайишига имкон яратади, — деди Озода Муҳиддинова маърузасида. — Демак, имкониятдан унумли фойдаланиш талаб этилади. Шунингдек, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уни кўнгилдагидек ташкил этишда ҳар биримизга юклатилган вазифани сидқидилдан бажариш, муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Маърузада таъкидландики, жорий йилда республика бўйича жами 812 та, жумладан, 231 та стационар турдаги, 581 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолият кўрсатиб, уларда 245 минг нафар бола соғломлаштирилади. Уларнинг 50 фоиздан ортиғи кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларидан, 2 минг нафари эса меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларидан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Шунингдек, экологияси оғир ҳисобланган Оролбўйи минтақасидан уч минг, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан икки минг, Хоразм вилоятидан минг нафар бола Тошкент шаҳри ва вилоятидаги баҳаво оромгоҳларда бепул соғломлаштирилади.

Бу йилги мавсумда асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, улар ўртасида маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш масалаларига қаратилади. Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компютер хоналари, тўгараклар ва кутубхона ташкил этилади, турли тадбирлар ўтказилади. Оромгоҳлараро танловлар, спартакиадалар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув, саёҳатлар уюштирилади. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари жорий йилнинг 30 май кунигача тугатилиб, аксарият оромгоҳларнинг 1 июндан иш бошлаши режалаштирилган.

*(Давоми 2-бетда)*



# Баркамол авлод тарбияси

*(Боши 1-бетда)*

***Абдуғани Холбеков, Халқ таълими вазирининг ўринбосари:***

— Ёзги таътилнинг яқинлашиши билан болаларни стационар ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олдириш, соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласи барча мутасадди вазирлик ва ташкилотлар қаторида Халқ таълими вазирлиги зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Айниқса, Баркамол авлод йилида бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, таътил даврида болалар учун барча шароитни яратиш билан боғлиқ тадбирларга янада жиддий ёндашиш талаб этилади.

Жорий йилда вазирлик томонидан ёзги стационар ва мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳлар фаолияти, уларни тарбиячи-педагоглар ва кутубхоналарни бадиий китоблар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар режалаштирилиб, амалга оширилмоқда. Май ойида барча ҳудудий халқ таълими органларининг жойлардаги мутасадди ва манфаатдор ташкилотлар билан қўшма йиғилишлари ўтказилиб, ҳамкорликда ёзги оромгоҳлар мавсумга тайёрланмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда оромгоҳларга жалб этилмай қолган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароит яратилади.

Бир сўз билан айтганда, ёзда болаларни дам олдириш икки йўналишда ташкил этилади. Аввало Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, ЎзКУФК билан ҳамкорликда ёзда оромгоҳларда маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этиш бўйича қўшма тадбирлар режаси асосида. Иккинчидан, оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида қўшма тадбирлар режаси асосида иш олиб борамиз.

Эътиборли жиҳати, 9772 та умумтаълим мактабида 10 мингдан ортиқ болалар етакчиси, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, жисмоний тарбия ва мусиқа ўқитувчиси фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар ҳам қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, ёзги оромгоҳларга жалб қилинади.

Жорий йил май ойида ЎзКУФК ўқув марказида оромгоҳлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича республика кўргазмали семинари ўтказилиб, вазирлигимиз томонидан ишлаб чиқилган янги тавсияномалар тарқатилди. Ҳозир ёзги оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш бўйича 5 номдаги услубий тавсия тайёрланиб, ягона китоб шаклига келтирилди.

Шунингдек, мактаблар қошида очиладиган оромгоҳларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун уларда болаларнинг қизиқишларига мос тўгараклар, спорт секциялари очилиб, маънавий ва маърифий тадбирлар режаси, жадваллари ишлаб чиқилган ва масъул шахслар бириктириш тажрибаси йўлга қўйилган.







Дарвоқе, оромгоҳларнинг кутубхоналари раҳбарият ва халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида ҳар бир ҳудуддаги таълим муассасалари ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналар фондидан фойдаланилган ҳолда 1000 дан ортиқ китоб ва даврий нашрлар билан таъминланади.

— Оромгоҳларни ёз мавсумига тайёрлашда маҳаллий ҳокимликларга, ташкилот ва касаба уюшмалари раҳбарларига алоҳида масъулият юкланади, — деди ***Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Саидмурод Сайдалиев.*** — Оромгоҳларнинг ободонлаштирилишидан тортиб, ошхона, ётоқхона, спорт майдони ва бассейнлардаги санитария-техник ҳолатнинг амалдаги меъёрларга мос бўлиши, сув таъминоти, болаларни овқатлантириш ва бошқа режимга солинадиган жараёнларнинг гигиеник талабларга жавоб бериши муҳим аҳамият касб этади.

Маърузада таъкидландики, оромгоҳларни сифатли сув, ҳўл мева ва сабзавотлар, нон, гўшт, сут билан таъминлаш, уларни ташиш, сақлаш ДСЭНМ мутахасисларининг алоҳида назоратида бўлиб келган.

Давлат санитария-эпидемиология назорати мутахассислари томонидан мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларнинг санитария қоида ва меъёрлари бу йил илк бор маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, ЎзКУФК билан келишилган. Уларда оромгоҳлар учун харид қилинаётган озиқ-овқатга бўлган талаблар оширилган, уларни сотиб олиш тартиби аниқ белгиланган.

Мавсумда асосий эътиборни тоза сув ва канализация тизими, болаларни сифатли ва хавфсиз озуқа билан таъминлашга қаратиш ҳамда ошхонада ишлайдиган барча ходимлар махсус тайёргарликдан ўтган, ўқув-тарбия муассасаларининг ошхоналарида хизмат қилувчи ошпазлар бўлиши мақсадга мувофиқ эканини айтиб ўтилди. Дарвоқе, болаларнинг бассейнда чўмилиш тартибига амал қилиши қатъий назоратда бўлишига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

***Ғанишер Эшонқулов, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:***

— Болаларни соғломлаштириш жиддий масала. Ҳар бир боланинг фикру хаёли ҳар хил бўлади. Уларнинг бошини қовуштириш, вақтини мазмунли ўтказиш ҳақиқатан масъулиятли вазифа. 6 май куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги ўз вазифаларини белгилаб олди ва жойларга кўрсатмалар юборилди.

Болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бир қараганда оддий кўринса-да, катта масъулият талаб этади. Масалан, оддийгина электр симининг очиқ жойини ўраб қўйиш қийин эмас, аммо бажарилмаса, оқибати хунук бўлиши мумкин. Шунингдек, газ баллонларининг кўчада очиқ туриши ёки бассейнларнинг ўраб қўйилмагани ва ҳоказолар ҳам кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун хавфсизлик масаласини бир зум ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шунингдек, ҳудудни заҳарли илонлардан тозалаш, маҳаллий шароитда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилишига йўл қўймаслик каби омиллар ҳам диққат марказимизда бўлиши лозим.

— Юқорида болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришга масъул ташкилот вакилларининг маърузаларини тингладик. Албатта, ютуқ ва муаммолар мана шундай мулоқотларда кўзга ташланади. Аммо, таъкидлаш жоизки, оромгоҳларда фаолият юритаётган ҳар бир ходим болаларга ўз фарзандидай муомалада бўлмаса, муаммолар ечимини топиши қийин, — деди ***«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Ойдин Жамолиддинова.*** — Кўриниб турибдики, бунда, аввалambор, кадрлар масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Масалан, қандайдир хориж куйларига кенг майдонда хоҳлаганча ўйнаётган бола билан маданий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган бола ўртасида катта фарқ бор. Болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш учун биздан фақат эътибор талаб этилади. Бунда «Камолот» ҳам имкон қадар кўмак беришга тайёр.

***Ҳалима Жуманиёзова, Маънавият-тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири:***

— Юқоридаги маърузалардан англашиладики, болаларнинг оромгоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқариши катта воқеа. Бунда, албатта, тарбиячиларнинг ўрни жуда муҳим. Абдулла Авлоний бежиз: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», — дея таъкидламаган. Демак, тарбиячилар кийинишдан тортиб, муомала ва одобгача болаларга ўрнак бўлиши керак. Шу билан бирга, ҳар бир жараённи уйғун ҳолда ташкиллаштириш болалар вақтининг мазмунли ўтишини таъминлайди. Бунда, айниқса, кутубхона фондини кўпайтириш, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ***ЎзКУФК ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари Римма Верещагина*** оромгоҳларни маблағ билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш масаласига батафсил тўхталиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, йиғилишда 2009 йилнинг ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2010 йилдаги вазифалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасидаги Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлисидан келиб чиқиб, тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар, концерн ва компаниялар, хўжалик органларига ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Семинар кенгашда 2009 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми натижаларига кўра энг яхши деб топилган оромгоҳларга комиссиянинг дипломлари топширилди.

Семинар-кенгашнинг биринчи қисми якунлангач, вилоятлардан келган оромгоҳ бошлиқлари, бирлашма раисларининг ўринбосарлари, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Ёшлик» оромгоҳига ташриф буюришди.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзметкомбинат»га қарашли мазкур оромгоҳ йил бўйи фаолият юритади. У ерда дам олаётган 216 нафар боланинг юзидаги қувончдан оромгоҳдаги шароит аъло даражада эканини англаш мумкин эди. «Ёшлик»да асосан иқтидорли болалар ҳамда металлургия комбинати ишчиларининг болалари дам олишади. Оромгоҳда яратилган қулайликлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига

# XXI аср — интеллектуаллар асри



Ал-Хоразмийнинг «Арифметика» асарида баён қилинган ўнлик саноқ системасининг аҳамияти бутун дунёга тарқалди. Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз араб тилидаги илмий атамашунослик, фалакиёт, риёзиёт ва жуғрофияга оид илмий ишлари билан бир қаторда, Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор қурилмани кашф қилиб, барчани ҳайратга солди. Берунийнинг ноёб асарлари, Ибн Синонинг ўлмас «Тиб қонунлари», Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвали, Алишер Навоийнинг оташнафас мисраларидан англаш мумкинки, интеллектуал салоҳияти юксак аждодларимиздан бизга бебаҳо мулк қолган.

Боламиз ўзича берилиб нимадир ясаётганда ёки «келажакда мана шуни қураман» деб ажи-бужи расмларни бизга чизиб кўрсатганда, шунчаки «зўрсан-ку» деб қўямиз. Лекин ундаги истеъдодни шакллантиришга унчалик эътибор қилавермаймиз.

Яқинда Халқаро интеллектуал мулк куни нишонланди. Бу бежиз эмас.

«Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар», деган эди Президентимиз. Интеллектуал салоҳияти қудратли бўлган мамлакатгина дунё бозорида шафқатсиз рақобат муҳитида ўз ўрнига эга бўлади, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожида барқарорликка эришади, деган қатъий хулосага келиш мумкин. Аслида даҳо зотлар томонидан илгари сурилган барча ғоя, мафкуралар одамзот оғирини енгиллаштириш, фаровон турмушини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, инсоннинг муносиб турмуш шароитида яшашига қаратилган.

### БИЛИМ ВА АҚЛ-ИДРОК БИЛАН...

Африка қитъасида жуда катта олтин заҳиралари бор. Аммо шиддат билан елиб бораётган «тараққиёт поезди»дан тушиб қолган қатор давлатларда қимматбаҳо маъданларни ўзлаштириш учун зарур ускуналар йўқ ёки етишмайди. Маъдан қайта ишланмагач, ўзлаштирилмагач, у ҳар қанча қимматбаҳо бўлмасин, қадрланмайди. Шундай бўлиб қолишдан худо асрасин!

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида илмий ҳамда амалий тадқиқотларни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни фанга жалб қилиш, долзарб минтақавий муаммоларни ўрганиш, ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жанубий минтақавий илмий маркази ташкил этилган. 300 дан ортиқ илмий ишлар, ўнта кашфиёт муаллифи Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Шуҳрат Муродов ҳам шу марказнинг аъзосидир.

— Тупроқни тузсизлантириш устида иш олиб бордик, — дейди Шуҳрат Муродов. — Биласиз, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларда узоқ муддатда суғориш натижасида тузлар ювилиб кетиши, содали шўрланиш ўчоқлари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Тупроқни кимёвий мелиорант билан ишлов бериш орқали, тузсизлантириш натижасида, нафақат салбий экологик жараён бартараф этилади, балки тупроқ азотли ўғитлар билан тўйинтирилиб, унинг унумдорлиги ошади. Шунингдек, кам энергия талаб қиладиган газгидрат технологиясини яратдик. Уни қўллаш орқали зовур, ер ости ва кўл сувлари шўрсизлантирилади.

— Олимларнинг мақсади ҳам бугунги кундаги муаммоларнинг ечимини топиш, — дейди суҳбатдошимиз сўзини давом эттириб. — Назаримда, фан ишлаб чиқаришга нисбатан анча илгарилаб кетганди. Фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграциялашув яхши йўлга қўйилмаганди. Бугун Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси» ташкил этилиб, бизга ўхшаган олимларни сўроқлаб келувчилар кўпайди. Кимдир яратади, кимга эса ана шу ихтиро жуда муҳим ҳисобланади. Ярмарка эса уларни бирлаштиради.

— Кундалик ҳаётимиздан узилмаган ҳолда кашфиётлар қилиш керакки, бу бугунги иқтисодиётимиз юксалишига янада ёрдам берсин, — дейди Қарши Давлат университети Иссиқлик физикаси ва энергетикаси кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Асқар Вардиашвили. — Шундай технологияни ихтиро қилдик. Қиш фаслида қозонхона қурилмаларидаги чиқинди тутун-газларни ҳаво билан аралаштирган ҳолда (фан тилида иккиламчи энергия дейилади) иссиқхонани иситиш билан бирга, ҳосилдорликни ошириш ҳамда иссиқхонадан чиқаётган кислород билан омборхонани совутиш ёрдамида мева-сабзавотлар сақлаш муддатини узайтириш мумкин. Бу билан икки томонлама энергияни тежаган бўламиз. Шунингдек, қишда ва баҳорнинг бошларида мева ва сабзавотлар нархини арзонлаштирамиз.

Давлатимиз бюджетидан фан-таълим ривожи учун салмоқли маблағ ажратилаётганлиги кўп бора таъкидланади. Дарвоқе, Япония ҳам интеллектуал салоҳиятга таяниши туфайли, хом ашё ва минерал ресурсларга эга бўлмаган ҳолда иқтисодий қудратли давлатга айланганди...

### БАҚУВВАТ ИЛДИЗЛАР

Президентимиз «Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради», деган эди.

Маҳзуна Ҳамроева Қарши Давлат университетининг хорижий тиллар факултетида инглиз филологияси бўлимининг 3-курсида таҳсил олади. У ўзбек тилидан ташқари инглиз ва рус тилларида бемалол суҳбатлашади.

— Яқинда «Тучек» феълининг кўп маънолилик хусусиятлари» мавзусида илмий тадқиқот олиб бордим, — дейди Маҳзуна. — Чарлз Диккенснинг «Уч муҳаббат», О'Генрининг «Сўнгги япроқ» ҳикояларини инглизчадан ўзбекчага таржима қилдим. «Зумрад ва Қиммат» эртагини ўзбекчадан инглиз тилига таржима қилиб, интернетга киритдим. Таржимонлик ҳам бир санъат. Бунинг учун кўпроқ бадиий китоблар мутолаа қилиш керак. Тил бойлиги зарур. Келажакда таржимонликни мукаммал эгалламоқчиман.

Маҳзуна ҳозир ўқиш билан биргаликда «Нодирабегим» боғча-мактабида ўқитувчилик ҳам қилади. Бўш вақтларида фортепиано чалади, турли мавзудаги китобларни мутолаа қилади.

Мухлиса Қодирова шу университет ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 1-курс талабаси. Яқинда у «Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» драмасида аёллар образи» мавзуида илмий тадқиқот олиб борди.

— Ҳозир драматургия бир оз оқсаб турибди. Шу сабабли бу борада илмий изланишлар олиб боришни давом эттирмоқчиман, — дейди Мухлиса.

Биз мисол қилиб келтирган Маҳзуна билан Мухлиса юзлаб иқтидорли ёшларнинг икки вакиласи, холос. Бугун турли танловларда ўзини синаб кўраётган истеъдодли ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшиги очиқ. Уларнинг ҳар бирида истеъдод бор. Фақат уни вақтида пайқаш, рўёбга чиқариш учун интилиш, изланиш, меҳнат қилиш, машаққатларга чидаш ва комиллик сари қадам ташлаш керак.

**Лобар ҲАЙДАРОВА**



# «Миллий мусиқада халқ тафаккури бор...»

## дейди ёш қўшиқчи Аброр Муротов

Мумтоз куйларнинг ҳар бир жаранги юрак зарбларига ҳамоҳанг эканлигини мутахассислар аниқлашган. Шунинг учун бундай куйларни тинглаганда ҳаяжонланасиз, томирларга қувват инади. Айниқса «Шашмақом» куйларини эшитаётиб киши ажиб ҳолатга тушади, гўё сеҳрланиб қолгандек бўлади. Бу куйлар ҳижрон, алам ва соғинч каби изтиробларга тўла. Лекин уларда умидсизлик йўқ, ҳаётбахшлик бор. Азалдан куйлаб келинган «Ушшоқ»нинг авж пардаларида эса дарду фиғон билан бирга, нурли туйғулар мужассамдир. Улар руҳимизга шодлик бахш этади.

Ёш қўшиқчи Аброр Муротов ҳам болалигидан мақом қўшиқларини куйлашни севади. У таниқли санъаткорларнинг ижро услубини ўрганди. Юнусобод туманидаги мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тенгдошлари билан бирга кичик ашула ва рақс ансамбли тузган эди. Бу ансамбл турли тадбирларда ўқувчиларга кўтаринкилик бағишларди.

Кейинчалик Аброржон Дони Зокиров номли мусиқа мактабига ўқишга кирди. Бу ерда Неъмат Абдуллаев раҳбарлигида ашула ва созандалик (рубоб)дан дарс ола бошлади. Абрордаги истеъдодни пайқаган устози унга халқ қўшиқлари ҳамда мақом ижроси сирларини ҳам ўргатиб борди. Изланувчан йигит 2005 йили Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика ёш ижрочилар танловида қатнашиб, мақом қўшиқлари ижрочилиги бўйича махсус диплом билан тақдирланди.

Истиқлол йиллари ёшлар ижодига катта эътибор берилаяпти. Уларнинг ҳар соҳада иқтидорини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Аброр Муротов ҳам ўз устида тинмай ишлаб, кўҳна Шарқ ва Ғарб мусиқачилигининг ибратли томонларини ўрганиб ўзлаштиришга ҳаракат қилди.

Мусиқа коллежи қошидаги мактабда ашула ва созандаликдан таҳсил олган ёш қўшиқчи 2007 йили коллежнинг ўзбек чолғу бўлимига ўқишга кирди, устозлари назарига тушди. Бугун Аброр устози, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси қошидаги Дони Зокиров номли халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари Ҳикмат Ражабовдан қашқар рубобини чалиш сирларини ўрганмоқда. У қашқар рубобида Б.Султоновнинг «Концерт аллегро», В.Моцартнинг «Рондо», В.Монтининг «Чардаш», С.Ҳайитбоевнинг «Баллада», А.Бобохоновнинг «Хуррам» каби мусиқий асарларини ижро этиш санъатини пухта эгаллади.

— Мумтоз куй-қўшиқларимизда миллийлик ва халқнинг ўткир тафаккури мужассам, — дейди Аброр. — Аждодлардан қолган бой маънавий меросни тўла ўзлаштириш ва келгуси авлодларга етказиб бериш бурчимиздир.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## Сўраган эдингиз...

### Миш-мишларга ишонманг

**Ёшга доир пенсия олишда пенсия ёши ўзгарган деган гап юрибди. Шу ростми?**

**Ф.Иброҳимова, М.Эшонкулова ва б.**

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлганда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлганда эга бўладилар.

### Ёрдам кўзда тутилган

**Иккинчи гуруҳ ногирониман, ўқитувчилик қиламан. Боғча тўловида менга имтиёз берилган эди. Болам энди мактабга боради. Қандай имтиёздан фойдаланаман?**

**З. РУСТАМОВА**
**Тошкент шаҳри**

«Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлардан кам таъминланган оилаларнинг болалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу муассасаларда (интернатларда)ги уларнинг умумий сонидан 15 фоизи доирасида озод қилинади. Бунда ота-оналари (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган кам таъминланган оилаларнинг болалари биринчи навбатда тўловлардан озод этилади.

Болалар (тарбияланувчилар)ни тўловлардан озод қилиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома асос бўлади.

Сиз бу имтиёзлардан фойдалангансиз.

«Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисида»ги низомга кўра, мактаб кам таъминланган оилаларнинг болаларига умумий таълим фонди, мактаб фонди маблағлари ҳисобидан дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, пойабзал сотиб олишда ва текин ёки имтиёзли овқатланишни ташкил этишда моддий ёрдам кўрсатади.

**Республика дорихоналарида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларига киритилган ўзгартишлар ҳақида тушунча берсангиз.**

**Д. ХАКИМОВ**
**Самарқанд шаҳри**



Юқорида қайд этилган қоидаларга Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 июлдаги 276-, 2005 йил 20 майдаги 131-, 2010 йил 16 февралдаги 18-қарорларига мувофиқ ўзгартириш киритилган.

Ўзбекистонда дори-дармон ва тиббий буюмларни сотиш билан шуғулланишга фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ҳақлидир. Қайд этиб ўтилган дорихоналарда дори-дармонларни сотишга фақат махсус фармацевтик маълумотга эга шахсларга рухсат берилади.

Дори-дармон ва тиббий буюмларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан дорихонадан ташқарида — бозор, кўча, жамоат жойи ва уйда сотилиши қатъиян таъқиқланади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмаган ва ёхуд мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган дори-дармон ва тиббий буюмларни сотиш;

дорихоналарнинг юридик ва жисмоний шахслардан мувофиқлик сертификати бўлмаган дори-дармон ва тиббий буюмларни қабул қилиб олиши;

қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дориларни, шунингдек, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган дориларнинг ғайриқонуний нусхаларини сотиш таъқиқланади.

Дори-дармонларни аҳолига врачнинг рецепти ва рецептисиз бериш, шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларига бериладиган дори-дармонлар рўйхати ва уларни бериш қоидалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Дори-дармонни лицензиясиз сотиш, шунингдек, қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дориларни сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан врачнинг рецептисиз беришга рухсат этилган дори-дармонлардан ташқари барча дори-дармонлар дорихоналардан фақат белгиланган шаклдаги рецептларга кўра берилади.

Даволаш-профилактика муассасалари врачларига касалхонада дори-дармон бўлмаганда стационар даволанишда бўлган беморларга рецепт ёзиб беришга рухсат этилади. Бунда дори нақд пулга сотиб олинганлиги ҳақидаги маълумот касаллик тарихига ёзиб қўйилиши шарт.

Беморларга бепул рецептлар бўйича дори-дармон, мулкчилик шаклидан қатъи назар, дорихоналар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1997 йил 2 декабр) қарорига биноан амбулаторияда даволашда дори-дармон бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхатига мувофиқ берилади.

Врач заҳарли ёки кучли таъсир этувчи моддани бир марта қабул қилишдан ортиқча дозада, рецептда тегишли равишда расмийлаштирмай ёзган бўлса, дорихона ходими дорини бир марталик қабул қилиш учун белгиланган дозанинг ярми миқдорида беришга мажбур.

Давлат назоратидан ўтказилиши керак бўлган наркотик воситалар, психотроп моддалар шаҳар (ёки туман) доирасида фаолиятнинг тегишли турига рухсатномаси бўлган дорихоналар томонидан уларнинг ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасалари рецептлари бўйича берилади.

Таркибида наркотик моддалар бўлган дорилар учун берилган рецептлар — ёзиб берилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида, заҳарли моддалар бўлган дорилар бўйича — 10 кун, қолганлари бўйича эса бир ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Тиббий этил спирти:

амбулаторияга қатнаб даволанадиган узоқ давом этадиган касалга чалинган беморларга врачнинг «Махсус кўрсатма бўйича» деб ёзиб қўйилган, имзоланган ва даволаш-профилактика муассасасининг муҳри қўйилган рецепти бўйича, соф ҳолда — 100 граммгача ҳамда «Компресс қилиш учун» деб ёзиб қўйилган (аралаштириш миқдори кўрсатилган ҳолда) ёки «Терини ишқалаш учун» деб ёзиб қўйилган рецептлар бўйича ингридиентлар аралашмасида — 100 граммгача;

тиббиёт мақсади учун тиббиёт муассасалари ва ташкилотларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган норматившлар бўйича берилади.

Таркибида наркотик воситалар, заҳарли, психотроп моддалар, этил спирти, ухлатадиган воситалар, стероид гормонлар, анаболик активликка эга моддалар, таркибида 8-оксихинол ҳосиласи бўлган дорилар, шунингдек, имтиёзли шартларда ёки бепул бериладиган дорилар учун берилган рецептлар дорихонада қолдирилади.

Имтиёзли шартларда ёки бепул берилган дори-дармонларнинг рецептлари дорихоналарда уч йил давомида, махсус пушти рангдаги бланклар бўйича берилган дори рецептлари — 5 йил, таркибида заҳарли моддалар, этил спирти бўлган дориларга берилган рецептлар, мияни айнитиб қўйиш қувватига эга препаратлар ва анаболик воситаларга берилган рецептлар бир йил давомида, бошқа дориларга берилган рецептлар бир ой давомида сақланади.

Рецептлар сақлаш муддати тугагач йўқ қилинади.

Дорихона томонидан имтиёзли шартларда ёки бепул берилган дори-дармонларга ҳақ тўлаш маҳаллий органлар ёки соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан шартномага асосан амалга оширилади.

Дорихоналар ва уларнинг ходимлари ушбу қоидаларни бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Мансабдор лоқайд бўлса...

Корхона ходимлари биринчи навбатда ўз бошлиғидан ўрнак олади. Агар бошлиқ қаттиққўл бўлса, меҳнат интизомига қатъий риоя қилса, ходимлар ҳам ишга кечикмай келади, вазифасини сидқидилдан бажаради. Аксинча бўлса-чи? Мансабдор ваколатини суиистеъмол қилса, қонун бузилишига йўл қўйса, бу ишларга ходимларини ҳам жалб қилса?.. Шубҳасиз, бундай корхонада пароканделик юз беради, меҳнат унумдорлиги тушиб кетади.

«Наманган электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида ўтказилган текширишда юқоридаги каби ҳолатлар аниқланди. Тергов органлари ўтказган текширишларда маълум бўлишича, жамият директори Тўхтабой Муллажонов, директор ўринбосари ҳамда бош ҳисобчи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, кўплаб қонунбузилишларга сабабчи бўлишади. Жумладан, улар мамлакат Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талабларини лозим даражада бажармасдан, 2009 йил 1 январгача жамиятнинг юридик истеъмолчилардан бўлган дебитор қарзи 39 830 238 200 сўмга, шундан муддати ўтгани 18 066 374 300 сўмни ташкил этиши, яъни 2008 йил 1 январга нисбатан жамиятнинг юридик истеъмолчилардан бўлган дебитор қарзи 7 511 139 200 сўмга, шундан муддати ўтгани 5 856 564 000 сўмга кўпайишига йўл қўйиб, уларни ундириш чорасини кўрмаган. Оқибатда давлат ва жамият манфаатига катта миқдорда зарар етказишган.

Бундан ташқари, жамият мансабдорлари солиқ тўлашда ҳам қонун бузилишига йўл қўйишади. Наманган шаҳар солиқ инспекциясига топширган ҳисоботида солиқ солинадиган объектларни камайтириб кўрсатиб, 138 024 500 сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашади. Шунингдек, улар 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича шаҳар солиқ инспекциясига топширган ҳисоботида электр энергияси тарифи ошиши бўйича олинган 4 476 283 700 сўмлик даромадни камайтириб кўрсатиб, жами 769 920 800 сўмлик солиқларни тўлашмайди.

Тергов натижаларига кўра, кўплаб суиистеъмолчиликларга йўл қўйган «Наманган электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти мансабдорларига нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари кўрилди.

**М.ЖЎРАЕВ,**
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти катта инспектори



**Асли сурхондарёлик чавандоз, айни пайтда Тошкент шаҳрида яшаётган Чори Хўжақулов чавандозлик, синчилик ҳақида шундай дейди:**

**— Отам Султон чопағон ҳозир 96 ёшда. Ҳамон тетик. 71 ёшигача улоқ чопган. Тўртинчи синфгача ўқиган отам бизнинг чавандоз бўлишимизни истамаган. Оилада олти ўғил, уч қизмиз. «Ўқинглар, менинг чавандоз бўлганим ҳам етади. Ўқиб, одам бўлинглар» деб бизнинг отга яқинлашишимизга рухсат бермаган. Ҳатто шуғулланмоқчи бўлганимда яхши кўрган отимни сотиб юборган. 1983 йилда Андижон пахтачилик институтини тугатганимдан сўнг турли ташкилотларда ишласам-да, азбаройи қизиқишим кучлилигидан кўпкарида ҳам қатнашиб юрдим.**

# Чавандоз ҳикояси

От эгасига вафодор жонивор. От боқишнинг ҳам ўзига хос шартлари бор. Бир отим бўларди. Жийрон қашқа. Уч йил кўпкарига тайёрлаганман.

Ёзда уч ой улоқ чопилмайди. Бу вақтда от парваришланади. Ёзда отни яхши боқсанг, қолган тўққиз ойда у сени боқади. Унутмаслик керакки, от фақат оқар сувни ичганда роҳатланади. Яна ёзда отнинг олдидан сувни узмаслик керак. Августнинг иккинчи ярмидан у совутилиб, кўпкарига тайёрлаб борилади.

«Отни аёл боқсин» деган гап бор. Чунки турмуш ўртоғини яхши кўриб авайлаган аёл унинг отига ҳам меҳр билан қарайди. Аёлнинг қўли теккан от ҳам меҳрибон, ҳам чопағон бўлади. Отимга турмуш ўртоғим емиш беради, суғориб, тагини тозалайди. Мен эса отамдан ўрганганимни қилиб уни совутаман, чиниқтираман, тобига келтираман. Тобига келмаган от билан улоқ ололмайсиз. Бирин-кетин кўпкариларда улоқ айира бошладим. Чопағон Султон Чори бўлдим.

Кўпкаридан қайтиб, отамга салом беришим билан у «Улоқ айирдингми?» дерди. «Ҳа» десам, «Отинг сендан аввал билдирди» дерди. Кейин билсам, уйга яқинлашганимда отим кишнаркан. Бу унинг ўз хонадонига ғолиб қайтганини билдиргани экан.

От жуда ақлли жонивор. Оти бор хонадонга хавф-хатар яқинлашмайди. Чунки отнинг дамидан хавф-хатар чекинаркан. От тик туриб ухлайди ва эгаси учун Яратгандан ризқ сўрайди.

«Ўнга кирган отни ўғлингга бер» дейишади. Чунки от ўн ёшга кирганда унинг ақли тўлишади. Яъни, ўнга кирган от устида қандай одам ўтирганини билади ва шунга қараб ҳаракат қилади. Болани йиқитмайди.

Нима учун қадимда, жанг-жадалларда отдан фойдаланишган?! Зебра ё эшакдан эмас? Чунки от фаросатли жонивор. У соҳибининг мақсадини тўғри англайди. Унга юк ҳам ортишингиз мумкин, қўшга ҳам қўшишингиз мумкин.

Ўғлим Жонпўлатнинг отга қизиқишидан қувонаман. Лекин шуни ҳам айтишим жоизки, ўғилнинг полвон бўлиши отага эмас, аксинча, онага боғлиқ. «Алп онадан...» дейишади-ку. Энди ўғлимга келсак, онаси ҳам полвонкелбат аёл бўлгани учун ундан умидим катта.

Ўзим достонларга ҳам қизиқаман, дўмбира, дутор чаламан. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Сулувхон» достонларини қайта-қайта эшитсам ҳам зерикмайман.

Юртбошимиз баркамол авлодни вояга етказишда спортга катта эътибор қаратмоқда. Хотин-қизлар спортига ғамхўрлик кўрсатаяпти. Чунки баркамол инсонлар давлатнинг қудрати ва бойлигидир.

Ниятим — ёшлар отга меҳр қўйсин. Негаки, улоқ чопган, от минган инсон умуман касал бўлмайди. Яна яхши отлар кўпайсин, кўпкари республикамиз бўйлаб кенг ривожлансин. Полвон ўғлонларимиз билан фахрланиб юрайлик.

**Акмал АБДИЕВ**
**ёзиб олди**

# Синчи бобо

Гап наслли отлар ҳақида кетганда кекса отбоқар Талғат Сабдюшевни эслайвераман. Ўшанда отахон 95 ёшда экан. Ўғли Фарид мени огоҳлантирди:

— Бобойнинг қулоғи оғир, қариликда, хаёллари ҳар томонга қочиб кетади, уринтириб қўйманг тағин...

Ичкаридан қадди дол, лекин ҳассага таянмаган чол кўриниш берди. Менинг мухбир эканимни билиб, юзи ёришди. Отахоннинг Оренбург томонлардан эканлиги, татарлигини билардим.

— Бу тақдир, ўғлим, — ўзбекчани татар лаҳжасида гапирарди у. — 1930-йилларда Оренбургдан кўчиб келгандим. Халққа раҳмат, ўқитди, иш берди. Кейин кетгим келмай қолди. Ўзбекдай бағрикенг халқни кўрмаганман.



Мен мақсадимни тушунтириб, отлар ҳақида ёзмоқчилигимни айтганимда, отахон кучга тўлгандай, кўзлари равшанлашгандай бўлди.

— Биз наслни сақлаб қолиш учун нақд 40 йил курашдик. Ёшим ўтиб қолди, аммо ҳануз қорабайир наслли отларнинг тақдири тинчлик бермайди. Кечалари уйғониб кетаман. Тушларимга наслдор Келмамат отим кириб чиқади. Жиззах туманидаги Навоий номли колхозда наслли отчилик фермаси 1929 йилда ташкил этилганди. Унда қорабайир отлар парваришланиб, наслчилик ишлари йўлга қўйилганди. Биз эришган ютуқлар нафақат республикада, балки собиқ Иттифоқда ҳам катта шуҳрат топди. Келмамат отим бутуниттифоқ кўргазмасида биринчи ўринни эгаллаганди.

Талғат ота бутун умрини наслдор отлар етиштиришга бахшида этган. Ўша пайтларда олган билимларини амалиётда синаган мутахассисларга диплом бериларди. Унга раҳбарлик лавозимини таклиф этишса-да, наслчилик ишларини олиб боришни афзал кўрди.

Отахон анча нафасини ростлаб олгач, гапида давом этди:

— 1946 йилдан кейин йилқичиликда яратилган қорабайир зотли отларни номма-ном биламан. Онаси қайси, айғири қачон туғилган, қандай пойгаларда қатнашган, нечанчи ўринни эгаллаган...

Талғат ота сеҳрли куч оғушида ўрнидан турди. Хоналардан бирига кириб кетиб, қалин дафтарларни кўтариб чиқди.

— Қилган ишларимиз, олиб борган текширишлар, олинган натижаларнинг ҳаммаси мана шу ерда ёзиб қўйилган. Ўқинг, менинг кўзим ўтмай қолган.

Сарғайган варақларни очарканман, қулоғимга отларнинг кишнаши, шаталоқ отиб чопаётган қулунларнинг дупур-дупури чалингандай бўлди. Бу ҳудудлардан олиб кетилган отлар аукционларда сотилган, пойгаларда биринчиликни олган, кўргазмаларнинг кўрки бўлган...

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурга Ҳирот ҳукмдори Кўк ўғлон назаркарда арғумоқ совға қилгани, бу ҳақдаги ҳужжат бобурийларнинг сўнгги сулоласи Баҳодирхон II нинг саройидан топилгани, улуғ амирнинг тулпорни миниб ер юзида адолат ўрнатгани ҳақида эсладим.

— Насл дегани темир дафтар дегани. Бу ишлар қаттиқ тартиб-интизомсиз бўлмайди, — уқтирганди Талғат ота. — Наслнинг емиши, аждодларининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, қатъий режим асосида иш юритиш керак. Шундагина эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мумкин.

Талғат ота ўшанда хонадонига жуда кўп от ишқибозлари келиб кетишини, у «темир дафтар»ни очиб, отларнинг қайси ҳудудданлигига қараб зотини айтиб берганлари, айтганлари тўғри чиққанини ҳам қистириб ўтганди.

Кейинроқ менга бир таниш чавандоз шу гапларни айтди:

— Талғат оғадан Қайрағоч наслли айғирнинг авлодлари ҳақида маслаҳат сўраб бия олдим. Бия айғирга урчитилгач, айтилган вақтда қулунлади. Қулуни жуда чиройли, ҳадик сезса қулоғини чимирар, ора-сира бошқача кишнарди. Ҳозир Жийрон от хонадонимиз қувончига айланди.

Мустақиллик туфайли отчиликни ривожлантиришга катта имконият очилгани, кўпкарилар жонланиб келаётгани ҳақида гаплашиш мароқли эди.

**Пардабой**
**ТОЖИБОЕВ**

# Бўри оралаган қўрғон



Ҳаётингизда бир марта бўлса ҳам бўрига дуч келганмисиз? Мен дуч келганман. Бир куни қариндошимиз Алишернинг уйида ўтирган эдик. Кўча тарафдан ўғлининг «Ота, бўри, бўри!» деган овози келди. Ташқарига чиқдик. Дарвоза ёнида баланд бўйли йигит қўлида йўғон ипга боғланган бўри билан турибди. Алишер уларни ҳовлисига бошлаб аввал уй атрофини, сўнгра моллари ва қўйлари қишлайдиган қамовга киритиб, айлантириб чиқди-да, сўнгра чўнтагидан пул чиқариб, йигитга тутди ва раҳмат айтганча кузатиб қўйди.

Дарвоқе, бизлар келганда еб ташлагудек бўлган «овчарка» ит қаерда экан деб қарасак, бечора мулойим тортиб, ғарам ортида писиб ётган экан. Кексалардан эшитганим бир воқеа ёдимга тушди. «Бўрининг деви бўлади, у оддий жонивор эмас, илоҳий... бўрининг кўзларида важоҳат ва тилсимот мавжуд». Мен кўрган бўри эса сарғимтир, қулоқлари дикрайган, думи узун. Ўзи чўпонларнинг итидек келади, аммо кўзларига боқиб, вужудимда ғайритабиий титроқ уйғонди...

Ёши улуғ кишилар бирорта жўмард одам ҳақида гап кетганда, «Бўридек эди, ортига бурилиб қарамасди», дегучи эди. Бежизга фарзанди турмаганлар ирим қилиб чақалоқни бўрининг тагидан айлантириб, ўғил бўлса Бўрибой, қиз бўлса Бўритош деб туркона исм беришмаган.

Қўшнимизнинг тўйи эди. Нотаниш йигит ийманибгина бир чеккада ўтирибди. Шунда маҳалла оқсоқоли Ўтаган бобо ҳалиги йигитни имлаб чақирди ва деди:

— Ҳой, Шодибой, ахир сиз жиянсиз, нега уялиб ўтирибсиз, жиян тоғанинг уйига келса бўри оралагандек бўлади, деган машойихлар. Тез боринг-да, меҳмонларга қаранг.

Беихтиёр қизиқиб қариндошимиз Алишердан ўзим гувоҳи бўлган воқеанинг сабабини сўрайман:

— Эй, билмайсизми, бўри оралаган қўрғонга барака енади, бўри ўрлаган тоғу дашт серфайз, обод бўлади, бало-қазолар даф бўлади.

— Рости, авваллари мен ҳам бундай удумларга аҳамият бермасдим, — сўзини давом эттирди у. — Бир тракторчи танишим бор. Бечоранинг неча йилдан бери боши ташвишдан чиқмасди. Тоғлик овчидан бир тележка сомонга бўри боласини алмаштириб, парваришлай бошлади. Ўша кундан бошлаб уйига барака, омад келаверди. Ҳар йили қисир қоладиган сигири эгиз туғди, қўй-эчкилари эгиз болалади, касалманд аёли оёққа турди. Фарзанд деб дарди ичида юрган тўнғичининг хотини қўчқордек ўғил кўрди, кенжаси олий ўқув юрти талабаси бўлди, йигирма беш сотих томорқасидан тонналаб картошка, сабзи-пиёз олиб пулнинг тагида қолди. Ҳозир ўша танишим қишлоқнинг олди бойларидан. Уйида тўртта бўриси бор. Ўзи саховатли, фақирларга кўмак беради, энг ибратлиси, илгари ким бўлганини унутгани йўқ.

Шу топда Расул чўпон айтган бир воқеа ёдимга тушди. «Ёз ойлари эди, хўжалик қўйини тоққа ҳайдадик, — деб ҳикоя қилганди у. — Ўт-ўлан тиззага келади. Кайфиятимиз чоғ, бош чўпон Мейли бобо билан арчанинг соясида ўтирувдик. Бир пайт итлар безовта бўлиб ҳура бошлади. Қарасак, ўнгирнинг устида иккита бўри турибди. Мен милтиққа қўл чўзган эдим, ҳамроҳим «тўхта» ишорасини қилди-да, деди:

— Расулбой ука, шошманг, билсангиз бу дунёда барча нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Қаршиқуллар ўзларининг ҳақини, насибасини сўраб келишибди. Ахир, тоғ уларники-да. Борингда, йўталиб юрган совлиқни ушлаб, қирга ташлаб келинг, шунда қарздан қутиласиз, бўлмаса, бошимиз балога қолади.

Мен Мейли бобонинг айтганини бажардим, шундан сўнг бўрилар бизни қайта безовта қилишмади. Лекин узоқ вақт Мейли бобо бўриларни нега Қаршиқул деб номлаганини кўп ўйладим ва буни чўпоннинг ўзидан сўрадим.

— Эй, ука, бу калимани эски чўпонлардан эшитган эдим. Агар бўрини Қаршиқул деб айтсангиз, зиён-заҳмат етказмас экан, — деганди Мейли бобо. — Кимдир айтувди, ҳайвон ўргатувчилар барча жониворларни қўлга ўргатар эканлар-у, лекин бўрини бўйсундириб бўлмас экан. Бўри агар оёғидан яраланса, тишлари билан узиб ташлар экан, аммо ҳеч қачон, очликдан силласи қуриса ҳам ўз қавмини ғажимас экан.

Ҳа, бўрилар бизга бегона эмас, у ҳам она табиатнинг фарзанди.

**Ўролбой ҚОБИЛ**

Ishonch 2010-yil 20-may
№ 60 (2705)

# Мусибат куни

## ...ёхуд таъзияхонадаги дабдаба



Қашқадарёнинг тоғли ҳудудидан чўлга кўчиб, ўтроқлашган бир танишимнинг хонадонида таъзия бўлди. Марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик билдириб, биздан олдин келганлар сафига қўшилдик. Айрим иззатини билмаганларнинг бўлар-бўлмас гурунгга берилганини айтмаганда аксарият кишиларнинг боши эгик, қиёфаси тунд. Балки ҳар ким бугун сўнгги манзилга кузатилаётган биродари билан боғлиқ хотиралар гирдобига шўнғиб, умрнинг ўткинчилигига яна бир карра иймон келтираётгандир.

— Бу ерда янги келганлар борми? — қўлида пул сиқимлаган кишининг мурожаати руҳиятимга синиқлик бағишлаган ўйларни тўзғитди.

Кимдир биз томонга ишора этди шекилли, ҳалиги киши ҳар биримизнинг қўлимизга иккитадан беш юз сўмлик тутқазди. Пул ушлаган қўллар бир муддат нима қилишини билмасдан саросимага тушган, кўзлар бесаранжом, гуё «шу пулга маҳтал бўлиб келганмидинг» дея таъна этишдан хавотирлангандек, изза бўлишдан қутулиш чорасини излаётгандек.

— Нега пул беришаяпти? — ҳайрон бўлиб сўради шеригим.

— Хайрот пули бу, олаверинг меҳмон, — деди шу ерлик кишилардан бири.

— Сизларда ҳалиям шу одат сақланаяптими, нима ҳожати бор?

Тушундим, шеригим «таъзияхонадагилар ғам чекишаяпти, бунинг устига харажатга тушишлари шартми, аслида акси бўлиши керак» демоқчи.

Бу удум бизда барҳам топганди.

— Ҳали узоқдан келган меҳмонларга, шу ерда қоладиганларга овқат ҳам тортилади, — деди шу ерлик киши шеригимнинг ҳайратланганини кўриб.

Шу воқеа сабаб шариат қонунларини излаб кўрдим, аммо бошига мусибат тушган хонадоннинг ҳайрот пули тарқатиши кераклиги тўғрисида бирон манбага дуч келмадим, аксинча, ҳар бир қавм бундай оилага ҳам моддий, ҳам руҳан мадад бермоғи лозим экан. Ўтмишда азадор оилада маълум вақтгача қозон осилмагани, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар топганини келтириб, дили вайрон биродарларини еб-ичишга даъват этганини эшитганман.

Бизга нима бўлаяпти, нега мусибат кунини ҳам «мен сендан камми» мусобақасига айлантираяпмиз? Мисол учун бир жанозага беш юз одам йиғилди, уларга 1000 сўмдан хайрот пули берилди, умумий ҳисоб 500 минг сўм. Бунга хотинхалажга учига беш юз-минг сўмдан тугилган йиртиш (оқ рўмол ёки марҳумнинг устига ёпилган қимматбаҳо матолардан рўмол ҳажмида кесилган парча) берилишини қўшсак қанча бўлади? Минг сўм бировни бой ёки камбағал қилмайди, аммо юқорида биз қайд этган харажатлар ўртаҳол оилани қийин вазиятга солиб қўйиши шубҳасиз.

Юқоридаги ҳолат таъзия билан боғлиқ харажатларнинг бошланиши. Турли жойда турлича уч, етти, қирқ, йил оши сингари маросимлар қилиниб, ортиқча харажат (исроф) га йўл қўйилаяпти. Осилаётган қўш дошқозонлар, керагидан ортиқча пиширилаётган овқатлар...

Яқинда Қаршида икки аёлнинг ғалати суҳбатига шоҳид бўлдим:

— Кеча жанозага гўяндани қаердан олиб келишган экан?

— Ўзиям роса айтар экан-ей, йиғламай десанг ҳам кўзингдан ёш чиқиб кетади.

— Олган нарсасини эшитдингми, марҳум қимматбаҳо матолардан бирсидра кийим-бош тиктириб қўйган экан, тағин нақ 15 минг сўм беришди.

Гўянда (айтиб йиғловчи), ювуқчи (мурдашўй), гўрков ишларининг ижрочиларига ҳам ҳақ тўлаш одат тусига кириб бораяпти, ваҳоланки бу ишларнинг ҳаммаси савоб учун ёки марҳумнинг яқинлари томонидан бажарилиши лозим.

Бир гал сафардан уйга қайтаётгандим, Қарши-Баҳористон йўналишидаги автобус тирбанд. Шу пайт ёнимда ўтирган кекса киши биқинимга оҳиста туртаётганини сезиб, унга саволомуз қарадим.

— Ука, анави йигитни танийсизми?

— Қайси бирини?

— Анови соқол ўстирганини, ёшгина йигит, намозхон шекилли.

У ишора қилган томонга қараб таниш қиёфани кўрдим, қачонлардир мактабда ўзим сабоқ берган ўқувчим. Қизиқ, соқоли кўпдан бери олинмаган десанг, тартибга ҳам келтирилмабди. Эсладим, яқинда тоғаси вафот этганди, қишлоғимизда яқин қариндоши вафот этган киши марҳумнинг қирқи ўтмагунча соқолини олмайди, буни суҳбатдошимга тушунтирган бўлдим.

— Шунақами, — деди у ҳайрон қолиб, — бизда бунақа одат йўқ.

Шунингдек ота-онаси, ака-укаси, қариндош-уруғларидан кимдир вафот этган аёллар ҳам марҳумнинг қирқигача эгнидаги кийимини алмаштирмайди, кейин йил ошигача кўк — аза либоси кияди. Мазкур урфнинг келиб чиқиш сабабларини билиш учун тағин диний китобларни титкиладим, асосли йўл-йўриқ топиш ўрнига аксига дуч келдим.

Муҳаммад ибн Сиррин ривоят қилади: «Умму Атиййа разияллоҳу анҳунинг ўғиллари ўлди. Учинчи куни сафра (суртиладиган рангли хушбўй модда) келтиришни буюрдилар, олиб келингач, уни ўзларига суртдилар ва: «Аёлларга эридан бошқа яқинларига уч кундан ортиқ аза тутмоқ макруҳ қилингандир», — дедилар».

Аёлларнинг макруҳ қилинмаган кишисига оқ — аза либоси кийишига қўшиламан, билиб-билмай айрилиқ азобини тортаётган кимсанинг дилини янада вайрон этмаслигимиз учун бу зарур, бироқ юқорида зикр этилган ҳолатлар-чи?

Азадор эркак ёки аёл кир-чир юргандан оқ кийиб, оқ тарангани мақбул эмасми? Ахир таъзияхонада марҳумнинг руҳига кунига неча бор тиловат қилинган оят фотиҳасига қўл очиш учун ҳам тоза бўлиб юриш керак-ку.

Яқинларимиздан жудо бўлганимизда дилимиз яраланади, азият чекамиз, бироқ буни ташқи қиёфамизда, либосимизда ифодалашимиз шартми, қалбан куйингнимиз етарли эмасми, эгнимизда аза либоси-ю юзимиз ял-ял яшнаб турганимиздан, ғийбат гапларни гаплашгандан дуо-фотиҳа қилганимиз минг бора афзал эмасми?

Мусибат куни. У қанчалик оғир бўлмасин, ҳар банданинг бошида бор. Яратганнинг ҳукми, уни ўзгартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Бизнинг чекимизга қайғуни сабр-тоқат билан енгиб ўтмоқ тушган, зеро тақдири азалда битилмиш — кимдир эрта, кимдир кеч фано юкларини елкасидан соқит этади. Мен вилоятимизда таъзия маросимларида дуч келинаётган айрим дилимни оғритган ҳолатлар ҳақида тўхталар эканман, бир-биримизни тириклик чоғимизда эъзозлашимиз лозимлигини яна бир бор эслатмоқчи бўлдим.

**Абдунаби АБДИЕВ**

# Калит учун беш минг...

Бир кампир Оҳангарон шаҳри чойхоналарида бозорбоп, кўча газеталарини сотиб юради. Баъзан уйда келиним ёки қизим олиб келган бу нашрларни ўқиб ҳайрон қоламан. Фалончи санъаткор «даҳшат» машина сотиб олибди ёки уйи жуда ваҳимали эмиш, фалончи артист дам олиш учун уммон ортига жўнабди, яқинда турмушга чиқар эмиш, аммо севган йигити кимлиги ҳозирча сир эмиш... Ажаб, шу гаплар бизга керакми? Бир-биридан суюқ ҳикоялар, олди-қочди, шов-шув мақолалар...

Телевизорда кўпинча артистларнинг таом тайёрлаётгани бериб борилади. Ёки бўлмаса, ёшлар ёқтирадиган бир хонанда варрак учирадими, яна биттаси ўзи уйланадиган ёшда бўлатуриб 8—10 яшар қизчанинг сочини турмаклайдими-ей?! Баъзан ўйга толаман: машҳур журналист, ёзувчи, рассомлар ҳам овқат пиширармикан?!

Иккита-учта қўшиғи билан «юлдуз» бўлиб олган хонандани «Ёқимли иштаҳа» дастурига чорлаш шартми?

Яқинда Оҳангарондаги чойхоналардан бирида дўстим билан ишдан сўнг чой ичиб ўтиргандик. Бир пайт ҳамма гулдурос қарсак чалиб юборди. Кимга олқиш бўлаётганини билолмай ҳайрон бўлдик, чунки кириб келган ёшларни танимасдик-да. Хизматчи қиз кириб келганларнинг бири фалон хонанда эканлигини айтди. Унинг қайси қўшиғи ҳамшаҳарларимга манзур бўлган экан, билолмадим. Шу воқеа сабаб «Мажнунтол» чойхонасига борган уч нафар таниқли шоирни ҳеч ким танимагани хаёлимга келди. Юрагим эзилди. Гап шундаки, ойнаи жаҳон дастурларида негадир шоир, ёзувчилар жуда кам чиқишади. Чойхона, ошхона, дўконлар сероб, бироқ китоб дўконлари саноқли. Учтўрт йилдан бери бу ҳақда ёзишаётган бўлса-да, барча ҳаракатлар бесамар кетмоқда.

Мавзудан бироз қочиб, бошқа бир фикрга ўтсам. Корхона ишчи-хизматчиларини ҳар йили Бухорога саёҳатга олиб борамиз. Одамлар самолёт орқали Бухоро ёки Тошкентга турли ҳужжатлар, пуллар бериб юборишади. Лекин мана шу холис хизмат учун пул сўрашганини билмайман.

Москванинг Домодедово аэропортида Тошкентга қайтаётгандим. Юким оз эди, бир ўрта яшар аёл менга «юким ўттиз килодан ошди, уни ўзингизнинг юкингиз қаторида ўтказиб беринг» деб илтимос қилди. Рози бўлдим. Тошкентда аёлнинг юкини ўзига бердим, у эса ҳамёнидан беш юз рублни чиқариб менга узатди. Олмадим. «Бир-биримизга ёрдам қилмасак, одамгарчилик қаерда қолди» дедим. Онахон қайта-қайта раҳмат айтиб, манзилига жўнади. Дилим равшан тортди.

Эртаси куни иш билан Тошкентга чақиришди. Бир қоғоз хаёлимдан фаромуш бўлиб, уйда қолган экан, қайтиб олиб чиқдим, бироқ уй калитини чўнтагимга солиб келаверибман. Калит битта эди, орадан бироз фурсат ўтгач, рафиқам калитни маълум жойдан топа олмаётганини уяли телефоним орқали билдирди. Аксига олиб, бирор таниш йўловчи ёки машина кўринмайди. Бекатга кулранг «Матиз» келиб тўхтади, ҳайдовчиси «Оҳангарон» деб йўловчиларни чақирди. Икки йўловчи «Матиз»нинг орқасига ўтириб олди. Ҳайдовчига вазиятни тушунтириб, калитни ундан «Оҳангарон» шоҳ бекатида ўғлим олишини тушунтирдим. Ҳайдовчи рози бўлди ва «қанча пул берасиз?» деди. Азбаройи ҳайрон бўлганимдан нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Ўзимга келиб «Қанча сўраяпсиз?» дедим. Ҳайдовчи кўзини лўқ қилиб «беш минг сўм» деди. «Митти калит учун пул сўраяпсиз, одамгарчилик қаерда қолди?» дедим. У эса хотиржам: «Ака, шу замонда одамгарчиликни нима қиласиз, ҳозир ҳамма нарса пул билан ўлчанади» деди.

Афсуски, онда-сонда бўлса-да, турмушда учраб турадиган бу каби воқеалар маънавиятимиз учун нечоғлик хатарли эканини кўпчилигимиз ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Аммо, бирники мингга деганларидек, бундай «замонавийлашган ишбилармонлар» туфайли инсоний қадриятларга путур етмасмикан?

**Озод ХУШНАЗАРЗОДА**

# Кашфиётлар

# ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА



Табиий доривор препаратлари ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи Муқаддас Турсунова 23 йилдан буён шу ерда ишлайди.

**Ўзбекистон фанлар академиясининг Собир Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти 1956 йил 26 мартда ташкил этилган. Табиий бирикмалар кимёси тиббиёт ва биология, соғлиқни сақлаш тизимларидаги, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.**

Ўзбекистонда ўсимлик моддалари кимёси ривожланишида икки йирик олим — академиклар С.Юнусов ва А.Содиқовлар яратган илмий мактаб катта рол ўйнади. Бу борадаги дастлабки тадқиқотларга 1935 йили С.Юнусов **Roemeria refracta** ўсимлигидан икки алкалоид — **ремерии** ва **армепавин**ларни ажратиб олиб, уларнинг тузилишини аниқлагач, асос солинган эди.

1943 йилда Химия институти (ЎзФАнинг умумий ва ноорганик химия институти)да алкалоидлар кимёси лабораторияси ташкил этилди ва ушбу лаборатория негизида Собир Юнусов ташаббуси билан 1956 йили ўсимлик маҳсулотлари ва пахта институти ташкил этилди. 1957 йилда институт ҳозирги номини олди.

1999 йилда институтга академик Собир Юнусов номи берилди.

Академик Собир Юнусов таниқли кимёгар, Ўзбекистонда алкалоидлар кимёсига асос солган, бу борада илмий мактаб яратган олим эди. У мингдан ортиқ илмий мақола ва ихтиролар муаллифидир. Олим Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати эди.

Дастлаб институтда 5 та лаборатория ташкил этилган бўлса, ҳозир унинг 15 та лаборатория ва бошқа бўлимлари бор.

Институтда Марказий Осиёда ўсадиган барча ўсимликларнинг кимёвий тузилиши ўрганилади ва улардан тиббиётда қўллаш учун турли препаратлар олинади. Мисол учун тадқиқ этилган 292 ўсимликдан 1250 хил алкалоид олинган ва бу янги алкалоидлардан 540 тасининг кимёвий тузилиши аниқланган. Ўсимликлардан олинган алкалоидлар асосида **«Аллапинин»**, **«Ликорин»**, **«Галантамин»**, **«Цитизин»**, **«Дезоксипеганин»** каби дори-дармонлар ишлаб чиқилган ва улар тиббиётда қўллаб келинмоқда.

Институт ходимлари томонидан 350 хил гликозидлар ажратиб олиниб, улар асосида **«Эризимозид»**, **«Олиторизид»**, **«Аллохрозид»** каби дорилар яратилди. Шу ерда кашф этилган **«Цинарозид»**, **«Пиноцембрин»**, **«Псорален»** ва **«Псоберан»**, **«Кавергал»** препаратлари ҳам тиббиётда самарали қўлланмоқда.

Булардан ташқари, институт лабораторияларида қишлоқ хўжалигида қўллаш учун **«Олгин»** ва **«Узген»** фунгициди, **«Учқун»** биостимулятори, ингичка толали пахта баргларини тўкадиган **«Бутилкаптакс»** дефолианти, пахта вилтига қарши **КМАХ** препарати, ғўза илдизининг чиришига қарши **«Никамизолон»** препаратлари ҳам ишлаб чиқилган.

Институтда химиклар, фармакологлар ва технологларнинг ҳамжиҳатлигида 2000 дан ортиқ ўсимлик моддалари ўрганилган, улардан 60 таси дори ҳамда биологик фаол қўшимча сифатида клиник синовлардан ўтган, 30 та препарат тиббиётда қўллашга тавсия этилган.



**Институт тажриба ишлаб чиқариш аппаратчилари: Вилоят Каримова ва Наима Қорахўжаева иш устида.**

Институтда «Табиий бирикмалар кимёси» халқаро журнали нашр этилади. Унинг инглиз тилидаги варианти турли мамлакатларга тарқатилади.

Бу ерда ЎзФА академиклари Н.Абубакиров, Х.Орипов, А.Глушенковалар узоқ йиллар меҳнат қилишган.

Институт ходимларидан академик С.Юнусов, ЎзФА мухбир аъзоси Н.Абубакиров, фан докторлари Х.Абдуазимов, П.Йўлдошев, М.Султонов, Т.Шокиров, фан номзодлари В.Короткова ва В.Масленниковалар 1968 йили доривор препаратларни ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича олиб борган ишлари учун Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишган.

Шунингдек, «Бутилкаптакс» дефолиантини ихтиро қилган ва уни қишлоқ хўжалигида қўллашда муносиб иштирок этган институт ходимларидан академик Х.Орипов, биология фанлари доктори А.Умаров, кимё фанлари номзодлари Н.Рожкова ва Т.Ососковалар ҳам 1984 йилда ушбу мукофот билан тақдирланган. 2007 йилда эса «Аллапинин» номли янги тиббий препарат муаллифлари академик С.Юнусов (марҳум), тиббиёт фанлари номзоди Ф.Жаҳонгиров, техника фанлари номзодлари Ш.Саъдуллаев ва О.Содиқовларга Ўзбекистоннинг фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали давлат мукофоти берилди. Институт олимларидан С.Юнусов, А.Глушенкова, В.Маликов, Ш.Азимовалар турли йилларда «Ўзбекистон фан арбоби» фахрий унвонини олишган.

Институтда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун Кенгаш мавжуд.

Институт чиқарган дори-дармон ва тиббиётга оид товарларни шу ернинг ўзидан улгуржи олиш мумкин.

— Институтимизда ҳозир 338 ходим ишлайди ва улар орасида 1 та академик, 21 нафар фан доктори ҳамда 67 нафар фан номзоди бор, – дейди институт директори, техника фанлари доктори Шомансур Саъдуллаев. – Лабораториялардан ташқари ўзимизнинг тажриба ишлаб чиқариш корхонамиз, кичик босмахона, сертификатлаш ташкилотимиз бор. Россия, Грузия, Молдова, Покистон ва Туркия каби мамлакатларнинг олимлари 1965 йилдан буён чоп этиб келинаётган «Табиий бирикмалар кимёси» халқаро журнали таҳририяти аъзоси саналади. Унда 30 дан зиёд мамлакат олимларининг мақолалари нашр этиб борилади.

Институт катта кутубхонага эга. Кутубхонанинг иккита ўқув зали, янги нашрларни қўядиган кўргазма зали, кимёвий китобларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш жойи бор.

Барча лабораториялар замонавий аппарат ва жиҳозлар билан таъминланган. 1992 йилда Ўзбекистон Президенти ташриф буюрган чоғида институт ишини юқори баҳолаган ва замонавий илмий қурилмалар олиш учун 1 млн. 250 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди.

Жамоа республикамиздаги 10 та институт ва унверситетдан ташқари кўплаб хорижий илм даргоҳлари билан ҳамкорлик қилади. Россия, Франция, Покистон, Туркиядаги турли институт, фарматцевтик марказ ҳамда компаниялар билан илмий-техник битимлар мавжуд. Шунингдек, 20 дан ортиқ давлатдаги институтлар билан илмий алоқалар ўрнатилган.

Ўсимликларни ўрганиш мақсадида Қизилқум ва Қорақум саҳроларига, Тяншан, Помир, Олой, Олатов тоғларига ва бошқа жойларга 2000 марта экспедиция уюштирилган. 2000 та табиий бирикманинг фармакологик фаоллиги ўрганилган ва уларнинг 60 тасида клиник тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, 35 та препарат тиббиётда қўллаш учун тавсия этилган.

Дарҳақиқат, мазкур жамоа мамлакатимизда кимё, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бунга юқоридаги кашфиётлар мисолдир.

**Адҳам ДАМИНОВ,**
**жамоатчи мухбир**

**Суратларда: институт ҳаётидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



**Физик усуллар анализи лабораторияси кичик илмий ходими, кимё фанлари номзоди Хайрулла Бобокулов.**

# Бекусур зиравор



Долчин бекусур зиравордир. У асосан долчин дарахтининг пўстлоғидан олинади. Шриланка, Ҳиндистон, Хитой унинг ватани ҳисобланади. Долчин нафақат ўз ватанида, балки Индонезия, Бразилия, Гвинея, Ямайка ва Мадагаскарда ҳам етиштирилади. У биринчи бор XVIII асрда Шриланка (эски номи — Цейлон)да етиштирилган. Долчиннинг бир неча тури мавжуд, энг яхшиси Цейлон долчини ҳисобланади. Цейлон долчини баландлиги 15 метргача етадиган яшил тропик дарахт пўстлоғидан, ёмғир мавсуми бошланганда мис пичоқ ёрдамида ажратиб олинади. Чунки юқори намликда пўст кўчиши осонлашади. Аввал пўстлоқнинг ташқи қавати олиб ташланиб, ички нозик қавати қувурсимон ўраб қуритилади. Қуриш жараёнида бу зиравор одатий оч жигарранг тусга киради.

Айрим қадимий китобларда долчин олтиндан ҳам қиммат бўлгани қайд этилган. Рим императори Нерон хотинини жаҳл устида ўлдириб қўйиб, тазарру сифатида дафн маросимида бир йиллик ғамланган долчинни ёқишни буюрган. Қадимги Юнонистонда 35 грамм долчин 5 кг. кумуш баҳосида белгиланган. Бошқа мамлакатларда эса у бундан 15 баробар қиммат нархланган. Австрияда севишганлар бир-бирига муҳаббат ва нафосат рамзи ҳисобланган долчин қўшилган гулдаста ҳадя қилади.

Пазандачиликда долчин турли таомларга қўшиладиган беқиёс зиравор ҳисобланади. Замонавий Ғарбий Европа пазандачилигида бу зиравор мевали ва сабзавотли (қизил карам, сабзи, исмалоқ) салатларга қўшилади. Қандолатчиликда эса ширинликлар, ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади. Долчин таомга қўшиладиган ширин ва фойдали зиравор бўлиш билан бирга шифобахш неъмат сифатида ноёб доривор ҳамдир. У бир қатор хасталикларни даволашда қўлланади. Жумладан, микроблар, яллиғланиш, оғриқларга қарши, яра битишида малҳам бўла олади. Юрак фаолияти ва моддалар алмашинувини яхшилайди. Ҳайз даврини маромига келтиради, семиришнинг олдини олади. Долчинли чой артериал босимни туширади. Пешобни ҳайдайди, сийдик пуфаги тошларини емириш хосиятига эга. У заҳарли моддаларни бартараф этиши боис танани заҳарсизлантиришда тавсия этилади.

Азалдан долчин асаб бузилиши ва безовталанишга қарши қўлланган. Унинг таркибида эфир мойлари, темир, калий, фосфор, магний, калций, рух каби маъданлар мавжуд.

Долчин тиш оғриғини йўқотади ва кўриш қобилиятини яхшилайди. Балғамли йўтал, сурункали бронхит ва овоз бўғилганда малҳам бўлади.

Яқинда америкалик бир гуруҳ олимлар «долчин иккинчи тоифали қандли диабетнинг кечишини сезиларли даражада енгиллаштиради» деган хулосага келишди. Бу унинг ҳужайраларда инсулин нисбатининг таъсирчанлигини ошириш ва қон плазмасидан глюкозани кўп миқдорда чиқариш хусусиятига эга эканлигидандир. Танада долчин инсулин рецепторларини фаоллаштириб, таъсирини кучайтирувчи инсулинсифат моддага айланади. Шунинг учун америкалик шифокорлар диабет касаллигига чалинган кишиларга ҳар куни долчин истеъмол қилишни тавсия этишмоқда. Унинг хушбўй ҳиди ишонч ва меҳр ҳиссини уйғотади. Долчин ёғи жаҳл чиқиши, шафқатсизлик ва ишончсизликни енгишда ёрдам беради. Кўнгилни равшанлаштиради.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино долчин ҳақида: «...қулоқ оғриғини босади. Кўздан қуюқ рутубатни кетказади. Йўталга, истисқога фойда қилиб, жигар тиқилмаларини очади», — деб ёзган. Долчин юрак мускулларини мустаҳкамлайди ҳамда диққинафасда, тери хасталикларида эм бўлади.

Фойдали жиҳатлари:

— гриппнинг олдини олишда долчин, мурч, асал аралашмаси яхши наф келтиради;

— қандли диабетга чалинган кишилар ҳар куни ярим қошиқчадан долчин еб турса, қондаги қанд миқдори пасаяди;

— долчин талқони совуқ сув билан ичилса, кўнгил айниши қолади;

— талқони бир қошиқчадан 3 маҳал капаланса, йўтал қолади, кишини хурсанд қилади, кўкракдаги чиқиндиларни чиқаради;

— бачадон, буйрак ва шишларга малҳамдир;

— ёввойи зира билан қўшиб ейилса, аталасимон қилиб қўйилса, бавосилга фойда қилади;

— шароб солинган долчин пешоб қийналиб чиқишига ёрдам беради. Ёдда тутиш керакки, қон босими юқори бўлган кишилар долчинни эҳтиёткорлик билан ишлатиши даркор. Шу билан бирга, қизиққон кишилар учун долчин зарарли, бош оғриғини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳомиладор аёллар долчинни кўп истеъмол қилиши тавсия этилмайди, чунки у ҳомила тушишига сабаб бўлиши мумкин. Қон кетиш жараёнида ҳам қўллаш тавсия этилмайди.

# Балхтут ва шотут шифодир

***Ўлкамиз неъматларга бой. Шулардан бири — оқтут. Уни яна қилиқтут, балхтут деб юритишади. Дунёда 24 хил тут нави ўсади. Ўзбекистонда асосан икки тури — оқтут ва шотут ўстирилади. Маълумки, пилла қурти парваришида тут барги асосий озуқа ҳисобланади. Шуниси қизиқки, тут барги нафақат пилла қурти, балки инсон саломатлиги учун ҳам фойдалидир.***

Шифо тариқасида тутнинг шохча пўстлоғи, барги, меваси ишлатилади. Меваси ўзида флавоноид — морин, дармондорилар — C, PP, B1, B2, каротин, лимон ва олма кислоталарини сақлайди. Шу билан бирга унда эфир мойи, ёғ кислоталари, темир тузлари, қанд, ошловчи моддалар бор.

Оқтут барги таркибида каротин, аскорбин кислотаси, микромаъданлар, бўёқ моддалар мавжуд. Шу моддалар туфайли тут азалдан табобатда қўллаб келинади.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, барги эса томоқ шишлари ва оғриғига фойдадир, қуритилгани ёмон яраларга шифо бўлади деб ёзган. Алломанинг ёзишича, тутнинг ҳамма хилини ҳам таомдан илгари ейиш керак.

Оқтут меваси ҳарорат кўтарилганда, ичак хасталикларида, қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, юрак мушагининг қисқариши сусайганда қувват бўлади.

Тут пўстлоғи қайнатмаси турли яраларни битиришда, балғам кўчиришда кор қилади.

Хитой табобатида тут пўстлоғи диабетга қарши йиғма чойлар таркибига киритилган. Ветнамда тут баргидан «Фомидол» номли дори яратилган. Бу дори биоген стимулятор бўлиб, ревматизм, тери хасталигида, экземада тавсия этилган.

Японияда эса тут дарахти гулларидан махсус косметика креми — малҳам тайёрланади. Бу малҳам теридаги пигментсимон доғларни кетказишда, юздаги сепкилни йўқотишда қўлланади. Тут мевасида фосфор борлиги учун ёш болаларга ва аёлларга ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида жуда фойдалидир. Тут меваси болаларда учрайдиган рахит хасталигининг олдини олишда ажойиб малҳамдир. Ота-боболаримиз тут мевасини қуритиб, қишда ёнғоқ ва майиз билан тановул қилдириши ҳам бежиз эмас.

Азиз муштарийларда савол туғилиши табиий: тут меваси қай йўсинда қўлланса, шифо бўлади ва яна қандай хасталикларда ишлатилади?

**Бронхит, ўпка шамоллаши, бронхиал астмада** 800 гр. қандга (ёки шакарга) 1 л сув қуйиб, шакар эриб кетгунга қадар оловга қўйилади ва олдиндан тайёрлаб қўйилган тут мевасининг шираси ва бир дона лимон шираси унга аралаштирилади. Яна оловда қайнагунча пиширилади. Тайёр бўлган ширадан 1 қошиқдан кунига 5 маҳал ичилади. Бу шира балғам кўчириш хусусиятига эга.

**Климакс**да 1 кило янги ёки қуритилганидан 0,5 кило тут меваси олинади. Устига 0,5 л сув қўшиб паст оловда 30 дақиқа мобайнида пиширилади. Қайнатма бошқа идишга қўйилади. Мевага яна янги сув қуйилади ва 30 дақиқа қайнатилади. Сувни тўкиб, мева массаси олдинги — биринчи қайнатмага аралаштирилади. Қуюқ ҳолга келгунча 300 гр асал қўшилади. Оловда қайнагунча аралаштириб турилади. Сўнг совутилади. 1 қошиқчадан кунига 2 марта овқатдан кейин ичилади.

**Камқонлик, бод, қанд хасталигида** тут меваси майдалаб эзилади. 2 қошиқ мева 200 мл. қайноқ сувга аралаштирилади. Термосда 4 соат дамланади. Сузилади, 50 граммдан 4 марта таомдан олдин ичилади.

**Миокардиодистрофия, юрак порогида** яхши пишиб етилган тут мевасини ҳар куни 250-350 граммдан 4 марта истеъмол қилиш даркор. 3-4 ҳафтадан кейин беморнинг аҳволи яхшиланади, оғриқ пасаяди, енгил нафас олади.

**Ичкетар, дизентерия, энтероколитда** майдаланган тут мевасидан 2 қошиқ олинади ва 200 мл. қайноқ сувга солиб 4 соат димланади. Сузилади. Чорак стакандан 3 марта таомдан олдин ичилади.

Ичкетарда хом тутнинг дамламаси шифо бўлади.

**Қандли диабетда** ҳар куни 300 гр янги ёки қуритилган нордон тут мевасини ейиш керак. Ширин тут меваси ейилса, беморнинг қонидаги қанд миқдори ошиб кетади. Эҳтиёт бўлиш тавсия этилади.



Таомга тут барги (майдаланган, қуруқ ҳолдаги) кукунини қўшиб ейиш керак.

Тут барги (қуритилгани)дан 1 қошиғи 1 стакан қайноқ сувга солинади, 30 дақиқа дамланади. Сузилади. Ярим стакандан 4 марта таомдан олдин ичилади.

**Пародантоз, стоматитда** тут мевасининг шираси сув билан аралаштирилади. Сўнг шу аралашма билан оғиз чайилади.

**Танадаги ярада, тилинган (кесилган)**да, **тери куйганда** тут пўстлоғи майдаланади. Кукун ҳолида зайтун мойига 1:30 нисбатда аралаштирилади. Оғриқ жойига суртилади.

Зарарланган, яъни лат еган жойга тут меваси шираси суртилади.

Энди икки оғиз шотут ҳақида.

Шотут ҳам саломатликка жуда фойдали. Меваси қора, сершира, июнда пишади. Таркибида органик кислоталар, пектин, бўёқ ва бошқа моддалар мавжуд.

Меваси ва шираси оғиз оғриганда, томоқ шишганда, дизентерияда яхши даво бўлади. Барги ангинада, қуритилмаган баргидан олинган шира эса тиш оғриганда фойда қилади.

Шотут меваси чилонжийда меваси билан бирга дифтерия ва скарлатина хасталикларини даволашда яхши омилдир. Шотут иситмани туширади. Ташналикни босади. Оғиз оғриб, яраланганда шотут қайнатмаси билан чайилади.

Шотут қон босими юқори бўлганда, эпилепсияда, баъзи руҳий хасталикларни даволашда фойда қилади. Тут мевасининг янгиси истеъмол қилингандан кейин совуқ сув ичиш ман этилади. Чунки дамлатади, аҳён-аҳёнда ичкетарга мубтало қилади.

Оқ тут мевасини гипертония хасталигига чалинганлар меъёрида ейиши керак. Акс ҳолда, айниқса иссиқ ҳавода қон босими ошиши мумкин.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос**

IPOTEKA BANK




**«Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муамосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди», — дейилади Ўзбекистон Президентининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида.**

# Кредит ҳисобига янги иш ўринлари

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаши натижасида соҳада туб бурилишлар юз берди. Ҳозир Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи ушбу тармоққа тўғри келаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу ишларни амалга оширишда банк тизимининг ҳиссаси катта. «Ипотекабанк»нинг Қашқадарё вилояти филиалида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

Банк бу йил ҳам тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, вилоятга замонавий технологияларни олиб келиш, экспортбоп, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, сервис соҳасини кенгайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, 2010 йилнинг 1 майигача кичик бизнес субъектларига 4 млрд. 541 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, 322 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада прогноз кўрсаткичлари 2 баробарга бажарилди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисол келтирсак.

Қашқадарё қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мамлакатимизда ўзига хос ўринга эга. Табиийки, уни қайта ишлаш ҳозирги замон талабларидан бири. Буни ўз вақтида тушунган банк мутасаддилари шу йилнинг биринчи чорагида ушбу соҳага 748 млн. сўм йўналтирди. Бунинг натижасида, биринчидан, 33 та янги иш ўрни яратилди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон стандартларига мос қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Қарши шаҳридаги «129-махсус қурилиш-монтаж» масъулияти чекланган жамияти юртбошимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида банкдан 15 млн. сўм кредит олди. Ҳозир бу ерда ушбу маблағ ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. «Махсус алоқа» кичик корхонаси 20 млн. сўм қарз эвазига ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Баҳодир маиший люкс хизмат» хусусий корхонаси кредит ҳисобига хизмат кўрсатишни ривожлантирди. «Олтирон-Н» фирмаси эса маиший хизмат соҳасини кенгайтириш учун кредит олди.

Мазкур банкнинг асосий вазифаларидан бири бўлган ёш оилаларни ипотека кредитлари билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонидан келиб чиққан ҳолда Қарши шаҳар 6-микрорайонида ёш оилалар учун кўп қаватли уй қурилди. Натижада, Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги ипотека кредитларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 30 та ёш оилага 546 млн. 930 минг сўм миқдоридаги маблағ имтиёзли кредит сифатида расмийлаштирилди. 2 та ёш оилага уй сотиб олиш учун 54 млн. 400 минг сўм кредит банкнинг ўз маблағидан берилди. Ҳозирги вақтда улар олган кредитлари бўйича фоизларни ўз вақтида тўлаб келмоқдалар.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


## «НАВРЎЗ» дам олиш уйига таклиф қиламиз!



**Тоза ҳаводан тўйиб нафас олмоқчи, тоғларимизнинг гўзаллиги-ю «Чорвоқ» сув омборининг зилол сувларини завқ билан томоша қилмоқчи, тоғ шаршаралари ёки барча қулайликларга эга ҳовузда мириқиб чўмилмоқчи бўлсангиз, сизларни «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖга қарашли «Наврўз» дам олиш уйига таклиф қиламиз.**

***«НАВРЎЗ» дам олиш уйи Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Чорвоқ» сув омборининг манзарали қирғоғида — Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган бўлиб, ёзги дам олиш мавсумида мингга яқин кишини қабул қилади.***

***Дам олувчилар икки ва уч қаватли корпуслар ҳамда коттежларга жойлашиши мумкин. Мижозлар ошхона, кинозал, сауна, билярд хонаси, спорт майдончаси, кутубхонадан фойдаланиши мумкин.***

***Дам олувчилар «ЧОРВОҚ» сув омборини томоша қилар экан, қуёш тафтидан, турфа гуллар ва ўсимликлар таратаётган муаттар ҳиддан баҳраманд бўлиб, бир олам қувонч ва унутилмас таассуротлар билан қайтишига шубҳа йўқ.***

***«Наврўз» дам олиш уйи сизларни кутади.***

**Йўлланмаларни сотиб олиш масаласида «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ (Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкўчаси 17-уй)га ёки 233-41-50, 233-62-88, 233-50-23 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.**

## Ўзбек жанг санъати



**Мамлакатимизда Ўзбек жанг санъати федерацияси ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт мобайнида бир мунча ибратли ишларни амалга оширишга эришилди. Бугунги кунда ушбу спорт тури билан 20 000га яқин спортчи шуғулланмоқда. Уларнинг 30 фоизи қизлардир. Қизиқувчиларга қулайлик томони шундаки, бу спорт турининг жанг-кураш, мусобақавий, соғломлаштириш, темурийлар жанг усули, қўл санъати турлари мавжуд бўлиб, ҳар бир қизиқувчи ўзларига маъқул келган йўналиш бўйича шуғулланиши мумкин.**

# Миллий спортимиз дунё кезади



Ортда қолган бир йил ичида олти марта Ўзбекистон чемпионати (Тошкент вил. ва Бухоро) мусобақалари уюштирилиб, уч маротаба миллий спорт турига киритиш мақсадида республика конференцияси ташкил этилди. Натижада, 2009 йилнинг 11 декабрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қарори билан ўзбек жанг санъати миллий спорт турлари қаторига киритилди. Шундан сўнг, вазирликнинг 2010 йил тақвим режасига асосан вилоят, шаҳар ва туманларда мусобақалар ўтказиш белгиланди.

— Асосий вазифамиз чекка-чекка қишлоқларга ҳам кириб бориб, ўсиб келаётган ёш авлодни, жумладан, болалар ва қизларимизни ушбу миллий спорт турига жалб этишдан иборат, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси президенти Пўлат Усмонов. — Жорий йилнинг 3-8 июн кунлари Италияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида W.A.S.C.O (Бутунжаҳон халқаро миллий яккакурашлари ташкилоти) ташкилоти ўзбек жанг санъати спортини ҳам бутун дунёга таништиришни режалаштирган. Ушбу мусобақаларга тайёргарлик машғулотларини апрел ойидан бошлаб юборганмиз. Ҳиндистонда бўлиб ўтган Халқаро Кураш Ассоциациясида ўзбек жанг санъати миллий спорт турининг жанг кураши йўналиши бўйича халқаро федерация ташкил этиш масаласи бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, Кореянинг Сеул шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинган Бутунжаҳон халқаро миллий яккакурашлари ташкилоти ассамблеясида миллий курашимиз каби илк бор ўзбек жанг санъати миллий спорт туримиз ҳам ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди. Бугунги кунда деярли барча вилоятларда федерациялар фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда ўзбек жанг санъатининг атамаларига ҳам тўхталиб ўтсак. Бу яккакураш тури бўлиб, атамалари ҳам ўзбекча «ростлан», «зарба», «соф», «салом», «хато», «соф ғалаба», «огоҳ», «эркин», «бекор» кабилар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк боболаримиз номлари билан комплекс машқлар аталади. Бу номларнинг қўйилишидан мақсад, фарзандларимизга аждодларимизнинг кимлигини ёдга солиш ва уларнинг қизиқишини оширишдир.

Миллий спортимизни жаҳон миқёсида янада оммалаштириш мақсадида W.A.S.C.O — Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мамлакатимизга келган W.A.S.C.O президенти Жанни Саритсу Ўзбекистонда спортни, хусусан, миллий спорт турларини халқаро миқёсда оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди. Жанни Саритсу пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатини кузатди. Унда 9 ёшдан 24 ёшгача бўлган 500 нафарга яқин спортчи қатнашди.

Эндиликда янги тузилган Жанг кураши халқаро федерацияси ушбу спорт турини халқаро миқёсда янада таништиш мақсадида кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда нуфузли спорт тадбирларида кўргазмали чиқишлар уюштириш, хорижлик мутахассис ва спортчилар учун жанг кураши бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро миқёсда фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш каби масалалар билан шуғулланмоқда.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

## Фудокан-каратэ-до



**2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган Пайариқ туман тиббиёт коллежида бугун 1590 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Бу ердаги кенг ва ёруғ спорт зали доимо ёшлар билан гавжум.**

# Ёшларимиз соғлом бўлиб вояга етмоқда

Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол, бадиий гимнастика тўгараклари, шунингдек, фудокан-каратэ-до секциясида шуғулланишади. Спортчиларимиз тармоқнинг «Баркамол авлод» мусобақалари туман ва вилоят босқичида мунтазам равишда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Яқинда коллежимизда фудокан-каратэ-до бўйича «Барҳаёт сиймолар» хотира турнири бўлиб ўтди.

Вилоят фудокан-каратэ-до федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Пайариқ туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Пайариқ, Иштихон, Жомбой, Оқдарё, Пастдарғом туманлари, Самарқанд шаҳри ҳамда Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларидан жамоалар иштирок этди.

Икки кун давом этган қизиқарли баҳсларда, умумжамоа ҳисобида Пайариқ терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд шаҳри яккакураш усталари иккинчи, навоийликлар учинчи поғонани банд этишди.

— Бундай турнирларни тез-тез ташкил этиш лозим, — дейди чемпион Диёр Рўзибоевнинг отаси Толлибой Мавлонов. — Болалик йилларимизда спорт билан шуғулланиш учун шароит етарли эмасди. Ҳозир ҳатто чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қад кўтараяпти. Ёшларимиз спорт орқали дунёни танимоқда, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етмоқда. Бу, албатта, биз ота-оналарни жуда хурсанд қилади.

**Эркин ЯКУБОВ,**
**коллежнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари**

## Сколари шарҳловчилик қилмоқчи



Маълумотларга қараганда «Бунёдкор» устози Луиз Флиппи Сколари Жаҳон Чемпионати ўйинларига шарҳловчилик қилар эмиш. «Навбаҳор» ва «Бунёдкор» учрашувидан кейинги матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига шундай деб жавоб берган: — Ҳа, мен битта телеканал билан шартнома имзоладим. Жаҳон Чемпионатининг гуруҳ босқичи, ярим финаллар ва финал учрашувини шарҳлаб беришим керак.

## ЖЧ — 2022



**Япония 2022 йили бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати мезбонлигини қўлга киритиш учун ўзининг технологик ютуқларидан фойдаланишни режалаштирмоқда, дея хабар бермоқда «Ассошейтед Пресс».**

# Япония ЖЧ — 2022га даъвогар

**Ушбу Осиё мамлакати вакиллари душанба куни Цюрихда мундиал вақтида амалга татбиқ этилиши кўзда тутилган бир қатор янгиликлар билан ФИФА расмийларини таништириб ўтди. Тавсия этилаётган технологияга кўра, ўйинчилар ва тўпнинг ҳаракатини исталган ракурсдан кўрсатиш учун стадионда 200га яқин камералардан фойдаланилади. Бу, томошабин ўзини воқеалар марказида тургандек ҳис қилиши учун амалга оширилади.**

**Эслатиб ўтамиз, Япония 2002 йилги Жаҳон чемпионати баҳсларини Жанубий Корея билан биргаликда қабул қилган.**

## Спартакиада



**«Насаф» марказий стадионида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган қўмитаси томонидан Баркамол авлод йилига бағишланган XI анъанавий спартакиада бўлиб ўтди.**

# Саломатлик ўз қўлимизда

Унда шаҳардаги таълим муассасаларидан 500 нафарга яқин педагог-ходимлар стритбол, арқон тортиш, стол тенниси, шашка, шахмат, армрестлинг спорт турлари бўйича омадини синаб кўришди.

— Спартакиадада қатнашиш ҳар бир ўқитувчи учун фахр,— дейди Қарши давлат 41-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Дилсора Ибрагимова. — Чунки ҳар бир ўқитувчида мактаби шаънини ҳимоя қилиш истаги кучли. Саломатликка элтувчи спортни эса севмайдиган киши бўлмаса керак. Спартакиада дастурида оммавий спорт турлари танлангани учун нафақат мусобақалашамиз, балки ҳордиқ ҳам чиқарамиз.

Умумжамоа ҳисобида Қарши давлат 1-ихтисослаштирилган мактаб жамоаси биринчи, 14-ўрта мактаб вакиллари иккинчи, 10-мактаб спортсеварлари эса учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғолиблар спартакиаданинг вилоят босқичига йўл олишди.

**А. АКМАЛОВ**

## Оммавийлик

# Навбат — Республика босқичига

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Раёсатининг қарорига кўра, тизимдаги коллеж талабалари ўртасида Фарғона, Олмалиқ ва Андижон шаҳарларида мини футбол бўйича Баркамол авлод йилига бағишланган турнир уюштирилди.

Қизғин курашлар руҳида ўтган минтақавий беллашувларда Фарғона транспорт, Бекобод қурилиш ва уй-жой коммунал ҳамда Андижон 2- маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари жамоалари фахрли биринчи ўринни эгаллаб, навбатдаги босқич йўлланмасини қўлга киритишди. Энди ғолиб жамоалар финал босқичида иштирок этади.

**Саҳифани Нарзулла МАХАМОВ тайёрлади.**

# Қайта туғилган авиайўловчилар

Хабар қилинганидек, Йоҳаннесбург шаҳридан парвоз қилган самолёт Триполи халқаро аэропортига қўнаётган чоғида портлаб кетган эди. Кема бортидаги 104 кишидан 103 нафари қурбон бўлган. Нидерландиялик 8 ёшли бола тирик қолган. Жаҳон авиацияси тарихида мудҳиш авиаҳалокатларда йўловчилар омон қолган ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Қирқ йил қирғин келса ҳам ажали етган ўлади деганлари рост экан. 2009 йилнинг 30 июнида Камор ороллари соҳилларида Яманнинг «Емения» авиакомпаниясига қарашли А-310 самолёти ҳалокатга юз тутди. Яман пойтахти Сана шаҳридан Каморнинг Морови шаҳрига йўл олган кема бортида экипажнинг 11 аъзоси ва 142 нафар йўловчи бор эди. Буни қарангки, сувга қулаган лайнердаги йўловчилардан бири — 12 ёшли Бахия Бакари деган қиз тасодифан омон қолди. Франция фуқаролигига эга бўлган Бахия океанда 12 соат сузиб юради. У онаси билан бирга самолётга чиққан эди. Парвоз чоғида Бахия ширин уйқуда бўлган. Фақат сувга тушганидан кейингина нима воқеа юз берганини сезган. Акулаларга тўла океанда бу қиз авиалайнернинг бўлагига осилиб жон сақлаган.

Бундан роппа-роса 25 йил илгари «Жепен эйрлайнс» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» самолёти Токиодан юз километр олисликдаги Гума префектураси Тахамагахара тоғ тизмаларида ҳалокатга учради. Кемада 505 йўловчи ва экипажнинг 15 аъзоси бўлган. Улардан фақат 4 аёлгина тирик қолган эди. Бу ҳалокат дунё авиацияси тарихидаги энг йирик фожиа сифатида эътироф этилди. Ўшанда 514 киши ҳаётдан кўз юмган.

1971 йилнинг 23 декабрида «Ленсе» авиакомпаниясига тегишли «Локхит Эл-188 Эй» самолёти Перу пойтахти Лимада Пухалпа шаҳрига йўл олди. Орадан кўп ўтмай лайнер момақалдироққа дуч келиб, ҳавода бир неча қисмларга бўлиниб кетди. 2 километр баландликдан чангалзорга қулаган йўловчилардан 17 ёшли Жулиана Дилер Кокке тирик қолди. Парвоз чоғида у ўриндиқдаги тас-



маларни боғлаб олганлиги қўл келган. Унинг елкаси синган. Ўнг қўли лат еган. Бир кўзи кўр бўлиб қолди. Лекин, энг асосийси, тирик қолган. Жулиана 9 кун чангалзорда яшади. Кўп ўтмай уни ўрмончилар топиб олиб шифохонага элтишган.

2003 йилнинг 8 июлида Порт Судан-Хартум рейси бўйича парвоз қилаётган «Боинг-737-218» самолёти Қизил денгиз соҳилларидаги саҳрода ҳалокатга учради. Ерга қулаган самолёт бир зумда ёниб кетган. Кема бортидаги 117 кишидан фақат суданлик 2 ёшли болакайга зиён-заҳмат етмаган. 2007 йилнинг февралида «Сирруз-ЭС-ЭР-22» русумидаги самолёт ҳавода мувозанатини йўқотиб кўлга қулайди. Юнон-рум кураши бўйича олимпия чемпиони Рулорн Гарднер, учувчи Рэнди Брукс ва унинг акаси Лесли Брукс сувга ғарқ бўлган самолёт ичидан соҳилга сузиб чиқишган. Уч оға-ини ботирлар шу тариқа бир соатдан ортиқ муздек сувда сузишган. Аслида бундай ҳароратда инсон танаси 30 дақиқагача чидаши мумкин экан.

1981 йилнинг 24 августида Узоқ Шарқда «Аэрофлот» авиакомпаниясига қарашли АН-24 йўловчи самолёти ҳарбий ҳаво кучларига тегишли ТУ-16 самолёти билан тўқнашиб кетди. Эндигина никоҳдан ўтиб куёв билан тўй саёҳатидан қайтаётган 20 ёшли Лариса Савицкая самолётнинг дум қисмида бўлгани боис унга шикаст етмаган. У қайинзорлар оролига қулаб тушади. Оғир жароҳатланган бу қизни 3 кундан сўнг қутқарувчилар излаб топишади. Лариса Савицкая 2 марта «Гиннеснинг рекордлар китоби»да қайд этилган. Авиаҳалокатда омон қолгани ва энг кам товон пули, яъни 75 рубл олгани учун.

# Африкада вабо тарқалмоқда



Папуа-Янги Гвинеяда вабо тарқалиши муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий этилди. «Эй-Би-Си нюс» тарқатган хабарга кўра, касаллик оқибатида 5 киши ҳаётдан кўз юмган. Пойтахт Порт-Морсби шаҳрида эса у 3 кишининг ёстиғини қуритган. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазири Саса Заибнинг таъкидлашича, биргина ана шу йўл билан бу ўткир юқумли касалликнинг олдини олиш мумкин. Унга кўра, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши таъқиқланди. Пойтахтдаги ичимлик суви билан таъминлаш тизимида инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида сувга кўп миқдорда хлор қўшилмоқда.

Мамлакатнинг шимолий минтақаларида ўтган йилнинг августида вабо хуруж қила бошлади. Жами 3 мингга яқин киши бу касалликни юқтирганлиги аён бўлди. Ўнлаб одамлар вафот этди.

Зимбабведа ҳам вазият чатоқ. Ёдингизда бўлса, ўтган йили Африканинг ушбу энг қолоқ мамлакатида 60 мингдан ортиқ киши вабога дучор бўлганлиги ҳақида маълумот тарқатилган эди. Ўлганлар сони 4 мингга яқинлашди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилчиларининг фикрича, кўпгина мамлакатлар вабога йўлиққан фуқаролари сонини 10 баробар камайтириб кўрсатишни одат қилишган. Тўғри, уларни ҳам тушунса бўлади. Агар бу маълумот ошкор этиладиган бўлса, саёҳатчилар оқимига салбий таъсир кўрсатиши табиий. 2007 йилни оладиган бўлсак, ўшанда дунё бўйича 178 минг киши вабога дучор бўлган. Шулардан 4 мингдан ортиғи ҳаётдан кўз юмган. ЖСТ маълумотига қараганда, ер юзида ҳар йили 120 мингга яқин киши айнан ушбу касалликдан вафот этмоқда. Касалланганлар сони миллионлаб нафарни ташкил этади. Сўнгги 10 йил ичида Ангола, Судан, Эфиопия, Афғонистон, Либерия, Жанубий Африка Республикаси, Ироқ ва Мадагаскарда вабо ўчоқлари кўпайганлиги кузатилган. Яна Папуа-Янги Гвинея мавзусига қайтадиган бўлсак, соҳа мутахассислари нима сабабдан маҳаллий аҳоли кўпроқ ана шу касалликка чалинаётганига ҳайрон. Бу жумбоқнинг тагига ета олмаяптилар. Олимлар вабони гриппнинг янги тури H1N1 ёки бўлмаса респираторли вирус инфекцияси ёки оддий грипп вируслари тарқатаётганини тахмин қилмоқда. Беморлардан олинган биоматериаллар ЖСТнинг минтақавий лабораториясига юборилиб, икки ҳафталик вирусологик тадқиқотдан сўнг бунинг сабаблари аниқланади. Индонезияга қарашли Папуа оролида яшовчилар танасига махсус микрочипларни ўрнатишга ҳам уриниб кўришди. Аввалига бу мослама ОИТСга чалинганларга қўйилмоқчи эди. Лекин маҳаллий ҳукумат бунга йўл қўймади. Папуа қонун чиқарувчи органи микрочипларни ўрнатиш тўғрисидаги қонунни тасдиқламади. Микрочип беморнинг териси остига тикиб қўйилади. Айнан у орқали беморнинг ҳар қадамини назорат қилиш мумкин эди.

Ветнамда ҳам аҳвол яхши эмас. «Синхуа» агентлигининг Ветнам оммавий ахборот воситалари маълумотларига асосланиб тарқатган хабарига кўра, ушбу мамлакатнинг 13 та вилоятида карантин эълон қилинган. Хинген ва Винфук вилоятларида яшовчи 628 киши ўткир деарея белгилари асосида шифокорларга мурожаат қилган. Улар тиббий кўрикдан ўтказилганда 58 кишида вабо вируси топилган. Бу касалликнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш керак. Овқатланиш ва таом тайёрлашдан олдин қўлни ювиш шарт. Термик ишловдан ўтган озиқ-овқатлар ва қайнатилган сувни истеъмол қилиш даркор. Фақат рухсат берилган жойлардаги сув иншоотларидагина чўмилиш лозим.

Азимжон ПЎЛАТОВ тайёрлади

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1.Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 05.04.2010 йилдаги №10589-сон ижро ҳужжатига асосан умумий майдони 74 кв.м., бўлган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Ниёзбек Йўли кўчаси, 7-уй, 59-хонадонда жойлашган ошхона биноси аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич нархи — 32500000 сўм.**

Аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 22 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 8 июл куни бўлиб ўтишини авvалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.06.2004 да № 74 рақами билан рўйхатга олинган, ИНН 205120214, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси маданият нотижорат ташкилоти Вакиллиги ТУГАТИЛАДИ (Иштирокчилар кенгашининг 2010 йил 15 апрелдаги қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 80.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
*Жаҳонгир Шарофбоев*
(масъул котиб),
*Маъмура Адилова,*
*Мирзоҳид Содиқов,*
*Нормамат Аллаёров,*
*Носирхон Акбаров,*
*Ойсулув Нафасова,*
*Пиримқул Қодиров,*
*Соғиндиқ Ниетуллаев,*
*Шамси Эсонбоев*

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:
Ж.Шарофбоев

Навбатчи:
А.Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ:
С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Буюртма Г—451

Тиражи: 19089

ISSN 2010-5002

2345

Ishonch 2010-yil 20-may
№ 60 (2785)

**Суҳбат**



Ҳалима Юсупова узоқ йиллар «Ўзтелерадиокомпания»да сухандон бўлиб ишлаган. Мумтоз шеърларни маромига етказиб ўқийди. 2001 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ҳаёти ва ижодига бағишланган «Йўлларингнинг ҳилоли бўлай...» китоби, 2006 йилда «Бир йигитнинг бошидан кечирганлари» номли қисса ва ҳикоялар тўплами нашрдан чиққан.

# Орзулар қанотида

**— Ҳалима опа, сиз ўқиган шеърлар томошабин кўнглига ширин бир ғалаён олиб кирарди. Халқ эътирофига эришиш осон бўлмаган бўлса керак?..**

— Ҳақ гапни айтдингиз. Аслида онам Шарқ шеъриятини яхши кўрарди, ғазалларни чиройли ўқирди. Болалигимда онам ўқиган ғазаллар ҳамон қулоғим остида эшитилиб туради. Туғилиб ўсган шаҳрим Намангандан Тошкентга келгач, санъат институтида Муҳаммаджон Усмонов, дикторлар Қодир Махсумов, Туйғуной Юнусхўжаева, Алибек Рустамовдан ғазал ўқиш сирларини ўргандим. Адабий тил, талаффуз устида анча ишлашимга тўғри келган.

**— Мумтоз адабиётимиз ҳақида гап кетса, сиз иштирок этган «Ғазал оқшоми», «Назм ва наво», «Нодира лирикаси» кўрсатувлари ва «Тушимда кўрсам эди...» видеофилми ёдимизга тушади.**

— Нодирабегим ролини ижро этишдай бахтга мумтоз шеъриятни чуқур ўқиб-ўрганиш, меҳр қўйиш туфайли эришдим. Суюкли шоирамиз ижодига бағишлаб 1990 йилда яратилган «Тушимда кўрсам эди...» видеофилми ана шундай изланишлар самараси бўлди. Сценарий ёзиш, режиссёр билан ишлаш... Барчаси завқли жараён эди. Нодирабегимнинг ҳиссиётга бой, ўтли туйғуларини томошабинларга озгина бўлса-да етказа олганимдан бахтиёрман. Сўнг Бобур ижоди ҳақида «Аҳли жаҳондин яхшилиғ...» кўрсатуви тайёрланди. Сценарийни ёзиш давомида она юртнинг бир қисим тупроғига зор бўлиб, ватандан йироқда яшаган, Ҳиндистонда бобурийлар салтанатига асос солган мутафаккир шоир изтироби, кечинмаларини томошабинга етказишга ҳаракат қилганман.

**— Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ижоди ҳақида «Йўлларингнинг ҳилоли бўлай...» китобини ёзибсиз. Бунга нима туртки бўлди?**

— Аввало, Ҳабиба Охунова миллий қўшиқчилигимизда ўзига хос саҳифа очган бетакрор истеъдод эгаси эди. У илҳом билан тўлқинланиб ижро этган «Алла» қўшиғини ўзбек аёлларининг мадҳияси деса бўлади. Аксарият катта истеъдод эгалари каби унинг ижодий йўли ҳам равон кечмаган. Ажойиб қўшиқчимизнинг такрорланмас санъати, мураккаб ҳаёти мени мафтун этган эди. Ўйлаганимдай кўрсатувни тайёрлаш ҳам, китоб ёзиш ҳам осон бўлмади. Ҳабиба опа Наманганда яшаган, шаҳар мусиқали театрида ишлаган. Наманганда уйма-уй юриб, унинг овози ёзилган аудио, ўзи кадрга тушган видеокассеталарни тўплаш, уларни монтаж қилиш, ижодкор мулоқотда бўлган кишиларни топиш, хотираларини ёзиб олиш... Кейин ана шу ёдномалар асосида санъат устаси портретини чизиш... Бу худди томчилаб-томчилаб кўза тўлдиришга ўхшайди. Ана шундай машаққатли меҳнатим натижаси ўлароқ аввал «Барҳаёт наволар» кўрсатуви, сўнгра китоб дунёга келди.

Мумтоз ўзбек шеъриятини инсон қалби ифодаси деб биламан. Шунинг учун ғазал ўқиш, Шарқ лирикасини тингловчиларга етказиш севган машғулотим бўлиб келган. Орзуим — ёшларга ғазал ўқиш сирларини ўргатадиган маҳорат мактабини ташкил қилиш. Бундан ташқари, бир ижодкор сифатида мени инсон руҳий олами, кечинмалари қизиқтириб келади. Ўйлаб юрган ғояларим бисёр. Шуларни қоғозга тушириш ниятидаман.

**Иномжон АБДИЕВ**

**Ифтихор**

*Қадимдан халқимиз кўҳна тарихи, бой мероси, юксак маданияти билан ажралиб турган. Диёримизда туғилиб ўсган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалар жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган, бой мерос қолдирган. Миллатимизнинг куч-қудрати унинг бағрида ўсиб-унаётган ёш авлоднинг ақл-заковати, иқтидори эвазига янада ортиб, жаҳонга юз тутмоқда.*

# ВОРИСЛИК БАХТИ

Юрт келажаги бўлмиш биз ёшларнинг таълим ва тарбияси давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан саналиб, қисқа вақтда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўқув даргоҳларида яратилган қулай имконият ҳатто хорижлик тенгдошларимизда ҳавас уйғотаётгани бежиз эмас. Айниқса, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги ўзгаришлар давлатимизнинг ёшларга қаратаётган эътиборининг амалдаги ифодасидир.

Шаҳарча ҳудудидаги «Ёшлик» маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган «Нотиқлик», «Ижодкор ёшлар» каби тўгараклар, «Мунозара — дебат», «Юридик клиника», «Нафосат қизлари» клублари ҳар бир талабанинг илмий-ижодий салоҳиятини ошириб, ижод чўққиларини забт этишига кўмаклашиб келмоқда. Зеро, дунёга тенги йўқ даҳоларни берган муқаддас тупроқнинг эртанги куни бизнинг қўлимизда экан, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни теран англаб, муносиб авлод бўлиш бизнинг бурчимиздир.

**Жамила БЕКНАЗАРОВА,**
**ЎзМУ ўзбек филологияси факултети 1-босқич талабаси**

# Маънавият кўзгуси

Санъат музейи маънавиятимиз ва санъатимиз дурдоналарини авлодларга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида бу ерда ташкил этилган рассомлик студияси миллий рассомчилигимиз учун етук кадрлар тайёрлашда дебоча бўлиб хизмат қилди. Ижодий студияни ташкил этишдан кўзланган мақсад миллий мусаввирларни тайёрлаш эди. Рассомлик студиясининг илк қалдирғочлари орасида Ўрол Тансиқбоев, Акрам Тошкентбоев, Зарифа Саидносирова, Рашид Темиров ва бошқа ижодкорлар бор эди. Уларга академик рассом И. Репиннинг шогирди, ажойиб мусаввир Николай Розанов сабоқ берарди.

1927 йилда музейда биринчи кўргазма ташкил этилиб, унга рассомлик студияси қатнашчилари яратган асарлар намойиш қилинди. Томошабинлар эътирофига сазовор бўлган мусаввирлар янги очилган Бадиий билим юртининг биринчи мураббийлари сифатида ишга қабул қилинди.

Кейинчалик етук мусаввир сифатида танилган ва 32 йил Санъат музейини, 10 йил Рассомлар уюшмасини бошқарган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев ўз ижодида ана шу мураббийларининг чуқур из қолдирганини алоҳида таъкидлаган. Уларнинг миллий руҳият акс этган асарлари бугунги кунда ҳам мумтоз бадиий санъат намуналари сифатида эътироф этилмоқда.

«Ўзбек портрети» (Ўрол Тансиқбоев)да халқимизнинг миллий қиёфаси, орзу-ўйлари акс эттирилганлиги билан жозиба касб этади. Аёллардан етишиб чиққан мусаввир Зарифа Саидносированинг (Ойбекнинг рафиқаси) «Аҳмад Яссавий мақбараси» (1925 й.) асари реалистик йўналишда яратилган. Унда соҳибқирон Амир Темур томонидан барпо этилган муаззам ёдгорлик халқимиз тафаккури тимсоли сифатида акс эттирилган. Ушбу асар кўп марта кўргазмаларда намойиш этилиб, мутахассислар томонидан эътироф этилган бўлсада, Зарифа Саидносирова бошқа санъат асари яратмади. Маълум сабабларга кўра, у кимёгар олима бўлиб, илм йўлини танлади.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос**

**Саёҳат**



# Таассуротлар бир олам

Тарихий обидалар, миллий урф-одатлар, аждодларимиз қолдирган бой маданий мерос ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғуси янада кучайишига хизмат қилади.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиздаги корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари ишчи-хизматчи ҳамда талаба-ёшларининг Самарқандга бепул саёҳатга олиб борилиши ана шундай хайрли ишлардан биридир. Юқори савияда ташкиллаштирилаётган сафарга 2890 нафар кишини жалб этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар улардан 2700 нафари кўҳна шаҳар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд саёҳати Имом Исмоил ал-Бухорий мақбараси зиёратидан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар шаҳардаги бетакрор тарихий обидалар билан яқиндан танишдилар. Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасаларини завқ-шавқ билан томоша қилдилар.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

**Китоб жавонингизга**




**Инсон ҳаётни кузатар экан, турли ҳолатларни бошдан кечиради. Мана шу кечинмалар таъсирида баъзан шеър, ҳикоя, бадиа, баъзида эса кичик-кичик қайдлар битилади.**

# Ҳаётий кузатувлар

М.Нормуродов ва А.Омонов китобхонлар ҳукмига ҳавола этган «Ҳаёт кузатувларидан қайдлар» деб номланган (Қарши. «Насаф» нашриёти. 2009 йил) китобча ҳам камтарона қайдномалар, ҳаётий хулосалардан таркиб топган.

Муаллифлар инсоф, ҳаё, сабр-қаноат, шукур, поклик, ҳалоллик каби тушунчаларни гоҳ ўгит, гоҳ дўстона маслаҳат сифатида китобхонга ҳавола этади. Улар инсон, муҳаббат, аёл, ёшлик ва ижодкорлик, раҳбарлик маданияти, ота-она, мақтов ёхуд нафс хусусидаги фикрларини баён этаркан: «Барча доно ва ҳақиқатга таянган фикрлар айтиб бўлинган, бизнинг чекимизга уларни такрорлаш қолган холос», — дейди.

Муаллифлар руҳиятида юзага келган ҳолатлар балки сизга ҳам танишдир. Эҳтимол, уни ўқиш мобайнида дилингизга чўкиб қолган қайсидир саволларга жавоб ҳам топарсиз.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзФА тил ва адабиёт институти докторанти**

Чотқол қўриқхонасининг хушманзара табиати қўйнида жойлашган

**«Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи**

**2010 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.**

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменадан ташкил топган. Ҳар бир смена 15 кундан иборат.

**Мавсумнинг бошланиши — 15.06.2010 й.**
**Йўлланманинг баҳоси — 168000 сўм.**

Қийматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлари киради.



Йўлланмаларни улгуржи баҳоларда олувчиларга чегирмалар мавжуд.

**Манзил: Собир Раҳимов тумани, Ғалаба-1.**

**Тел: 248-15-01; 248-10-03**